O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

16 ноябр

ЎЗГАЛАР БАХТИНИ ЎЙЛАСАК, ЎЗ БАХТИМИЗНИ ҲАМ ТОПАМИЗ.

Абу Наср ФАРОБИЙ

Қонун - ҳам қилич, ҳам қалқондир!

ИНСОН ВА ҚОНУН

Ўзбекистон Конституцияси 7 йиллиги байрамига-21

Ўзбекистон Президенти сайловига-53

Мухтор Баки-депутатлар сайловига-18

КУН ҚОЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ–ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 йил 30 январдан чиқа бошлаган | 1999 ЙИЛ 16 НОЯБР, СЕШАНБА | № 46 (146) | Сотувда эркин нархда

ИҚТИСОДИЙ НИЗОЛАР ЕЧИМ ТОПАДИГАН ДАРГОҲ

Бешинчи мақола

Мирзоулуғбек АБДУСАЛОМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик суди Раиси

Шуни эътироф этиш керакки, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 август «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунининг 8- ва 9-моддасида асосан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва давлат бошқарув органлари томонидан шартнома муносабатлари соҳасидаги ваколатларини амалга оширишда сусткашликка йўл қўйилмоқда. Йил бадалида шартномаларнинг қандай бажарилиши тўғрисида кўпгина раҳбарлар қишлоқ хўжалиги аъзоларининг олдида ёки бошқалар олдида ҳисобот бермайди. Бу шартномалар аксари ҳолларда ҳеч жойдан рўйхатдан ўтмайди. Шартномалар асоси нима билан боғланган? Оилавий пудрат, ижара шартномаси ёки тўғридан-тўғри маҳсулот етказиб бериш тўғрисидаги шартномани оламизми - ҳаммаси ер билан боғлиқ. Деҳқон бўлгандан кейин ҳамма нарсаси ерда битади. Ер эса - умуммиллий бойликдир, ундан оқилона фойдаланиш зарур ва у давлат муҳофазасидадир. Давлат мулкини тасарруф қилиш, фойдаланиш бўйича талаб даражасида назорат ўрнатиш керакми-йўқми? Ёки ўша хўжаликнинг ичидаги жамоатнинг назоратини ўрнатайликми? Очиқ-ошкоралик муҳитини қарор топтирайликми? Хуллас, булар жуда муҳимдир.

Хўш, назоратнинг қанақа шаклини амалга оширишимиз керак? Биттаси - жамоатчилик назорати. Шу хўжаликда ишловчиларнинг ўзлари назорат қилиши керак. Дейлик, иложи бўлмаса-чи? Унда давлат назорати бўлиши керак. Қандай ҳолатда? Мана ҳозир контрактация шартномаси мавжуд, улар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш бўйича ҳужжатдир. У рўйхатдан ўтади. Рўйхатга олувчи ташкилот «қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифати инспекцияси» ҳисобланади. Сифат билан контрактация ўртасида нима алоқа бор? Инспекция билан-чи? У бор-йўғи маҳсулотнинг сифатини текширадиган ташкилот бўлса. Маълумки, улар Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қошида фаолият кўрсатади. Менимча, бу инспекциянинг сонини қисқартириб, туманлардаги мавжуд махсус статистика бошқармаларига бу вазифани юклаш керак. Статистика - ҳисоб-китобни олиб борадиган ташкилот. Шу ерда рўйхатдан ўтказсак: неча тонна маҳсулот берамиз, неча гектар еримиз бор, қанча деҳқон ва ижарачи бор, қанча ички хўжалик шартномалари тузилаяпти, неча гектар ерни хўжалик раҳбари тарқатди, маҳсулот қанча бўлади, аниқ кўзга ташланиб туради. Буларнинг бариси устидан ошкоралик муҳитини яратган бўлардик. Хўжаликнинг ўзида, биринчидан, шартномалар рўйхатга олиниши керак. Бунинг учун хўжаликда махсус шартномаларни назоратга олувчи «темир дафтар» бўлиши лозим. Ундан кейин бир нусхасини олиб бориб, статистика қўмитасидан рўйхатдан ўтказиши керак. Ана шунда ҳар бир шартноманинг бажарилиши ҳам, ердан унумли фойдаланишни ҳам назорат қилиш мумкин бўлади.

Шартномаларни тузишда қишлоқ хўжалигида эътибор шунчаликки, уларнинг кўпчилиги бирон-бир эътирозсиз қабул қилинади. Масалан, Хўжаобод тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси билан С.Раҳимов номидаги жамоа хўжалиги ўртасидаги 1998 йилнинг 1 апрелида тузилган, 1998 йил 1 октябрига қадар 4520 минг кубометр сув етказиб бериш ва сувдан унумли фойдаланиш тўғрисидаги шартномага кўра, ортиқча олинган ҳар бир кубометр сув учун истеъмолчи жарима тўлаши кўрсатилган, аммо мабодо таъминловчи керакли миқдор сувни етказиб бермаса, унинг мажбурияти, жавобгарлиги қандай бўлиши белгиланмаган.

Биз дуч келаётган контрактация шартномаларида, айниқса, ғалла бўйича шартномаларда битта нозик жойи бор: 40 фоиз аванс берилиши керак. Аванс ғалла ўсиб чиққанидан кейин янги йил бошида берилади. Ғалла эса октябрда экилган. Экишга пул керакми? Керак. Шундай эканми, демак, қишлоқ хўжалик йилини 1 январдан эмас, экин-текин бошланишидан ҳисоблаш керак эмасми? Мисол учун, бу йилги ғалла ўтган йил октябр-ноябрда экилган. Авансни ўшандан бошлаб бериш керак, чамаси. Иккинчи масала, бериладиган аванснинг кўп қисми уруғлик ғалла сарфи учун деб тутиб қолинади. Уруғ аванс ҳисобидан берилсин, дейишади. Шартномада эса бу кўрсатилмайди. Ваҳоланки, аванс нақд пул билан берилиши лозим. Учинчи масала, ғалла уруғи маҳсулот ҳисобидан берилиши ва ғалла йиғиб олинаётган пайтда босиб қолиниши тартиби ўрнатилиши лозим. Акс ҳолда кўзланган ҳосилни етиштириш учун маблағ етмай қолиши мумкин.

(Боши газетанинг 28 сентябр, 5 октябр, 2 ноябр ва 9 ноябр сонларида)

Қишлоқ хўжалигида тузилаётган шартномаларнинг баъзилари ишлаб чиқарувчининг зиёнига тузилади. Деҳқонда - мажбурият, маҳсулотини сотиб олувчида эса ҳуқуқ кўп. Улар тенг бўлгандагина шартнома адолатли бўлади. Шартномаларда «хўжалик жарима тўлайди», у қилади, бу қилади, сувни кўп ишлатиб юборса, исроф қилса, жарима тўлайди, деган жумлалар ёзиб қўйилади. Бу тўғри, лекин хўжаликка сувни вақтида етказиб бермаса, унинг экини қуриб кетса, нима бўлади? Бу ҳақда шартномаларда ёзилмайди. Буларга жарима ҳам йўқ. Хуллас, ҳали олдинда муаммолар, ечимталаб масалалар етарли. Бу табиийки, бизнинг соҳамиз - хўжалик судлари фаолиятига ҳам алоқадор деб ҳисоблаймиз. Реал аҳволдан келиб чиқиб, таъкидланган ҳолатлар хусусида аниқ таклиф, тавсия ва мулоҳазаларимизни тегишли доираларга беришимиз керак.

Фақат ўтган 9 ой мобайнида хўжалик судлари турли корхоналарнинг 27,7 млрд. сўмлик дебиторлик қарзларини, ўз. қарорлари асосида ундириб бердилар. Бу ўтган йилга нисбатан қарийб 11 млрд. сўмга кўпдир. Шартнома ва ўзаро тўлов интизомини бузиш ҳоллари, айниқса, агросаноат комплексига кирувчи тармоқлар тизимидаги корхоналар томонидан йўл қўйилган. Бу комплексга кирувчи корхоналардан 9 ойда 16,1 млрд. сўмлик қарзлари хўжалик судлари қарорлари асосида ундириб берилди. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги корхоналаридан ташқари «Ўздавпахтасаноатсотиш» жамияти бўйича - 6,8 млрд. сўм, «Ўздонмаҳсулотлари» корхоналаридан - 1,2 млрд. сўм, «Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» корхоналаридан - 1,2 млрд. сўм ундирилиши фикримиз далилидир.

Индустрия тараққиёти комплекси тизимига кирувчи вазирлик ва акциядорлик жамиятлари корхоналаридан суд қарорлари билан 7,2 млрд. сўм ундирилган. Жумладан, энергетика ва электрлаштириш вазирлиги корхоналаридан - 3,3 млрд., «Ўзкимёсаноати» корхоналаридан - 1,6 млрд. сўм ундириб берилди.

Истеъмол бозори комплексига кирувчи корхоналардан - 4,3 млрд. сўм, жумладан, «Ўзенгилсаноат» корхоналаридан 2,9 млрд. сўм ундирилди.

Ёқилғи-энергетика комплексига кирувчи корхоналардан - 10 млрд. сўм, жумладан, «Ўзнефтгазқазиш» корхоналаридан 4,8 млрд, «Ўздавнефтмаҳсулотлари» корхоналаридан 2,9 млрд, «Ўзнефтқайтаишлаш» тизимидаги корхоналардан 1,6 млрд. сўм асосли равишда ундиришга қарорлар чиқарилди.

Коммуникациялар комплекси тизимидаги корхоналар ҳам ортда қолишмаяпти. Улардан 1,6 млрд., қурилиш ва уй-жой ҳамда коммунал соҳаси комплекси корхоналаридан - 1,5 млрд. сўмни мажбурий равишда ундириб бердик.

Шартнома ва ўзаро тўлов интизомининг бузилиши кўпроқ Қашқадарё вилоятида фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан йўл қўйилганлигини таъкидлаш жоиз. Улардан ундирувчилар фойдасига 6,1 млрд. сўм ундириб бердик. Тошкент вилоятидаги корхоналардан 4,5 млрд., Бухоро вилояти бўйича 4,3 млрд., Тошкент шаҳри корхоналаридан 8,8 млрд. сўм ундирилди.

Яна бир муҳим масала бу - хўжалик раҳбарларининг ҳуқуқий билими ва савиясини оширишдир. Уларни маълум даражада «ўқитиш» керак. Чунки раҳбарга кўп нарса боғлиқ. Бозор иқтисодиёти қонун ва қоидаларини биладиган, қишлоқ хўжалиги, иқтисод ва ҳуқуқ соҳасида етук билимли ўрта бўғин кадрларни қанча пухта тайёрласак, аграр соҳадаги ислоҳотлар шунчалик даражада тез ва барқарор ривожланади. Жумладан, шартномавий муносабатларнинг моҳият-мазмуни тўғри ижобат топади. Бу эса ўз навбатида тармоқда иқтисодий ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этишнинг муҳим омили бўлиб, одамларда ерга, мулкка нисбатан эгалик туйғуларини ижобий шакллантиради, уларнинг турмуш шароити яхшиланишига ва фаровонлиги таъминлашига, шу орқали умумдавлат иқтисодиёти янада гуркираб ривожланишига омил, мезон ва шароит яратилади.

Хуллас, мамлакатимиз иқтисодиёти юксалишида республикамиз хўжалик судлари ўз муносиб ўрни бўлиши учун интилмоқда. Иқтисодий низолар адолатли ҳал этилишига эришиш ҳуқуқий-демократик жамият қурилишида ҳиссамиз бўлишлигини англаб, шу йўлда меҳнат қилаяпмиз. Кенг кўламли фаолиятимизни бир нечта мақолалар орқали тўла ифодалаб беришимиз амримаҳол. Ҳар ҳолда ўқувчида нисбатан янги институт - Олий хўжалик суди ва хўжалик судлари, улар кўрадиган иқтисодий низолар доираси хусусида бирмунча тасаввур ҳосил қилишга уриндик...

БУГУНГИ СОНДА:

4-бет

ЁЛҒОНЧИЛИК КИМГА, НИМА УЧУН КЕРАК?

Нуқтаи назар

САЙЛОВЧИ ЎЗ ҲУҚУҚИНИ БИЛСИН

Ўзбекистон Олий Мажлиси ва вилоят, шаҳар, туман кенгашларига сайловлар ўтказишга тайёргарлик ишлари деярли ниҳоясига етди. Бу сиёсий компаниянинг асосий ҳал қилувчи босқичлари бошланди. Хўш, ушбу жараён жойларда қандай кечмоқда? Овоз бериш чоғида бюллетенларни тўлғизиш ва кимни сайлаши кераклигини ўзи эплайдими? Бошқа биров ўргатиб «кўмаклашмайдими»? Янаям аниқроғи, аксарият овоз берувчилар ўзининг мустақил фикрига эгами? Мамлакат парламентида ёки вилоят, шаҳар кенгашида ўрин эгаллашга чоғланган жамиятнинг фаол фуқароси ўзи овоз берадиган номзоднинг сайланган тақдирда вазифаси нималардан иборат бўлиши ҳақида тасаввури етарлими?

Бугунги сайловлар «бурунги»ларидан тубдан фарқ қилишини барчамиз сезиб турибмиз. Шу сабабли юқоридаги муаммоли, залворли саволларни келтираяпмиз. Сайловларнинг ҳал қилувчи кунига, «ғалвир кўтариш»га саноқли вақт қолганлигига қарамасдан айрим юртдошларимизнинг феъл-атвори, дунёқарашларида лоқайдлик ҳукмронлигини илғаяпмиз. Бу эса жойларда, айниқса, вилоят марказидан олис туманларда омманинг ҳуқуқий билими, маданиятини ошириш лозимлигини тақозо этади. Ҳозирги пайтда депутатликка номзодларнинг сайловчилар олдига чиқиб «мени сайлайдиган бўлсаларинг фалон иншоотни қурдириб бераман, газ, водопровод ўтказдириб бераман», дегандек олди-қочди, хўжакўрсин ваъдаларни бериш ҳоллари йўқ эмас. Ахир, ҳозирги замон депутатининг савияси шу даражада бўлиши керакми? Демак, бир тоифа одамлар ҳали-ҳануз собиқ иттифоқ мафкураси ҳукм сурган давр тушунчалари билан яшаб, фаолият юритаяптилар. Ёинки, ўзининг номзоди сўзи кўрсатилган ҳудудларга ўз одамларини юбориб, икки килограммдан пахта ёғи ёки икки-уч килодан гуруч, ун тарқатиб «фалончиевга овоз беринглар, кам бўлмайсизлар» дея эшитганнинг қулоғи, кўрганнинг юзи қизарадиган ишларни қилиб юришганлигини одамлар гапиришяпти. Энг ёмони, юқоридаги каби салбий ҳолатлар жойларда нафақат сайловчилар, балки сайланажак номзоднинг ҳам «Фуқаролар сайлов ҳуқуқи кафолатлари тўғрисида»ги қонундан, умуман, амалдаги қонунлардан бехабарликларидан далолат беради. Шу боис қисқа вақт қолганига қарамасдан, марказлардан олис ҳудудларда, айниқса, қишлоқ ва овулларда яшаётган аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини изчил олиб боришимиз шарт.

Бундан буён мактабларда ҳуқуқшуносликдарсларини бошқа соҳа мутахассисларининг ўтишига шароит яратиб берувчи халқ таълими тизими раҳбарлари билан муроса қилиб бўлмайди. Зеро, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқи кафолатлари тўғрисида»ги қонун ҳақида ёшларимизга ўрта мактаблардаёқ сабоқ бермоқ лозим бўлади. Зеро, бугун биз сайлайдиган номзод эртага Олий Мажлис залида қабул қилинажак қонунлар муҳокамасида иштирок этади. Жамият равнақини, халқнинг эртанги истиқболини белгилайди. Шу боис сайловларда барчанинг онгли равишда, фаол иштирокини таъминлашимиз керак. Биз бугун ким нимани айтса ўшани бажарадиган, дуч келганга эргашадиган эмас, балки ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши биладиган сайловчилармиз, ахир!

Аширгул АБДУРАҲМОНОВА,
Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси етакчи мутахассиси

ҲУҚУҚИЙ НАШРЛАР БИЛАН «ДЎСТ»ЛАШИБ ҚОЛДИК

ОБУНА-2000

Кимга қанақа-ю, лекин ҳуқуқ идораси даргоҳига қадам қўйган ходим ўз касбий малакасини ҳар куни, ҳар доим ошириб бормас экан, унинг мақсад-орзуларининг ҳам, ушбу идораларга нажот, маслаҳат излаб келганларнинг ҳам холига вой.

Бизнинг ходимларимиз сўнгги йилларда «Инсон ва қонун» газетаси ҳамда «Ҳаёт ва қонун» журнали билан жуда яқиндан дўстлашиб қолишди. Ноябр ойининг дастлабки 10 кунлиги ичида 2000 йил учун «Инсон ва қонун» газетасига 81 нафар, «Ҳаёт ва қонун» журналига 68 нафар ходимимиз обуна бўлишди.

Суд ва адлия ходимлари севимли нашрларимизга обуна бўлиш билан бирга аҳолининг кенг қатлами орасида ҳуқуқий онг ва маданият шаклланишида ёрдам берувчи газета ва журналга ёзилишни ташвиқ қилишда фаоллик кўрсатишаяпти. Вазиятни ўргандик. Халқда уларга чанқоқлик баланд экан. Шу сабабли матбуот тарқатиш идоралари орқали нашрларимизни вилоятдаги шаҳар ва туман, қўрғон ва қишлоқ дўкон-кўшкларида (киоск) талаб даражасида сотувга чиқарилишини йўлга қўйяпмиз.

Обуна бўлиш ҳажми кенгайиб, мароми тезлашиб бормоқда.

Чориёр АЛЛАЁРОВ,
Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси бошлиғи,
Нормамат САТТОРОВ,
вилоят судининг раиси

ТАҲРИРИЯТДАН:

Хат юборганингиздан, аҳиллик ва уюшқоқлик мавжудлигидан миннатдормиз, азизлар! Уйлаймизки, бошқа вилоятдаги мутасаддилар ҳам Сизлардан орқада қолишмайди. Ахир, уларнинг «қитиқ пат»лари нозиклигидан бохабармиз-да!

"Инсон ва қонун" газетасига обуна индекси: якка шахслар учун-137, ташкилотлар учун-138

"Ҳаёт ва қонун" журналига обуна индекси: якка шахслар учун-902, ташкилотлар учун-903

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат

«Бухоро ёғ-экстракция заводи» очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг 20 нафар ишчи-хизматчиси "Инсон ва қонун" газетаси ҳамда "Ҳаёт ва қонун" журналига обуна бўлишди.

Суратда: *(чапдан) пресслаш цехи бошлиғи Ҳасан Раззоқов, корхона бош технологи Усмон Саидмуродовлар журналнинг янги сонини кўздан кечиришяпти.*

ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

Бизнинг жамоамиз жорий йилда самарали меҳнат қилиш билан бирга ўзининг ҳуқуқий маърифатини муттасил ошириб боришни ҳам ёддан чиқармайди. Зеро, қайси касб-ҳунарда меҳнат қилмайлик, қонун-қоидалардан хабардор бўлиш барчамиз учун бирдай ҳаётий заруратдир. Бу жабҳада бизга, айниқса, «Инсон ва қонун» газетаси ҳамда «Ҳаёт ва қонун» журнали яқиндан кўмак бераётир. Мазкур нашрлардан келгуси йили ҳам баҳраманд бўлиш истагида бир неча ишчиларимиз биринчи галда «Инсон ва қонун» газетаси ва «Ҳаёт ва қонун» журналига обуна бўлишди.

И.ТУРСУНОВ,
«Жомбой дон маҳсулотлари» очиқ турдаги акциядорлик жамияти бошқаруви раиси

Тараддуд

ВОҲА ОВОЗ БЕРИШГА ШАЙЛАНМОҚДА

Юртимизда кечаётган туб демократик жараёнлар бу галги сайловларда ўзининг муносиб ифодасини топади. Уни жамият турмушига кенг ва чуқур сингдиришда сайловолди тарғибот-ташвиқот тадбирлари алоҳида аҳамиятга эга. Бу муҳим масала Хоразм вилояти ҳокимлиги, ҳуқуқ-тартибот ва тарғибот идоралари, маънавият ва маърифат маркази, оммавий ахборот воситалари ва бошқа ижтимоий-сиёсий гуруҳларнинг диққат марказида турибди.

Воҳада сайловларга ҳозирликнинг энг долзарб ва муҳим босқичи тарғибот-ташвиқот, тушунтириш тадбирлари, номзодлар билан учрашувлар энг қизғин паллага кирди. Вилоят адлия бошқармаси ҳузуридаги ҳуқуқий маърифат тарғибот бўлими, Республика Маънавият ва маърифат марказининг вилоят ташкилоти билан ҳамкорликда сайловчилар учун махсус эслатмалар варақасини кўп минг нусхада чоп этиб, аҳолига тарқатди. Улар томонидан уюштирилган сиёсий-тарғибот гуруҳлари махсус дастур асосида вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида бўлиб, аҳоли орасида тушунтириш ва ташвиқот тадбирларини амалга оширдилар. Вилоят сайлов комиссияларининг бирлашган матбуот маркази ташаббуси билан турли матбуот анжуманлари, семинарлар, мулоқот-мунозара йиғинлари ўтказилаяпти. Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш якунлари ва тарғибот-ташвиқот тадбирларини уюштириш ишига бағишланган навбатдаги сайловолди семинарида вилоят ҳокимининг ўринбосари Б.Раҳимов, вилоят прокурори Э.Жўраев, вилоят адлия бошқармаси бошлиғи И.Собиров, вилоят сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Р.Ёқубов, сайловларга дахлдор бир қатор комиссиялар, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари сўзга чиқдилар.

Айни пайтда сайлов участкаларини жиҳозлаш, овоз бериш жойларини ҳозирлаш, сайловлар рўйхатларини расмийлаштириш тадбирлари ниҳоясига етаяпти. Бу ишларда маҳаллий ҳокимликлар, фуқаролар йиғинлари, меҳнат ва ўқув жамоалари тегишли сайлов комиссияларига яқиндан мададкор бўлаяптилар.

Ўз мухбиримиз

Мухбиримиз бонг уради

«СУЯНЧ ТОҒЛАР» ҚАЧОН НУРАЙДИ?

Сурхон воҳасида таълим-тарбия ишининг ўлда-жўлда эканлиги хусусида соҳа раҳбарларининг маърузаларида алоҳида тўхталиб ўтиш, ойнаи жаҳону матбуот нашрларида танқидий чиқишлар қилиш одатий ҳолга айланиб қолди.

Ривожланган хорижий мамлакатлардаги доирилфунунларга ўқишга бориш, юртимиздаги олий ўқув юртлари талабаси бўлиш кўрсаткичлари бошқа вилоятларга нисбатан анча паст. Ҳақли, савол туғилади: хўш, дунёга донғи кетган буюк Термизийларни бағрида вояга етказган Сурхондарёга не бўлди? Яқин ўтмишда ҳам она Ўзбекистонимизни дунёга танитган академикларни, ўнлаб фозил, комил зотларни камол топтирган Сурхон воҳаси илму маърифатда нечун оқсамоқда?

Ҳақиқатан ҳам оғир, залворли саволлар. Барчанинг хабари борки, таълим тизимини янада ривожлантириш, ёшларнинг илмга, касб-ҳунарга бўлган лаёқатини аниқлаб, келажакда мамлакатимиз равнақига муносиб улуш қўшишларни улуғ мақсад қилган ҳолда Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 февралидаги 77- ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокимининг 1998 йил 23 мартдаги 91-сонли қарорлари асосида вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ташкил этилди. Мазкур ҳудудий бошқарма тасарруфига 49 та ўрта махсус таълим муассасалари биркитилди.

1998 йилда ташкил этилган академик лицей, касб-ҳунар коллежи ҳамда жорий йилда тўлиқ топширилиши кўзда тутилган яна бир академик лицей ва 6 та касб-ҳунар коллежлари ҳам шулар жумласига киради. Албатта, бундай эзгу режаларни амалга ошириш учун миллиардлаб маблағлар сарфлаш керак эди. Шундай бўлди ҳам. Юртбошимиз, ҳукуматимиз томонидан фарзандларимизнинг илм олишлари, касб-ҳунар ўрганишлари учун лозим бўлган барча имкониятлар яратилди. Аммо...

(Давоми 2-бетда)

Қонун ва ижро

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ- МУҲИМ МАСАЛА

Истиқлолнинг буюк ўзгаришлари ҳаётимизни буткул янгича изга солмоқда. Нафақат турмушимиз, балки онгимиз, маънавиятимиз ҳам янгиланаётир. Қалбимизда юксак инсонийлик туйғулари, бурч ва адолат тушунчалари қарор топмоқда. Маълумки, ҳар бир жамиятнинг тараққиёти халқнинг маънавий мезонлари билан боғлиқ кечади. Шундай экан, ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлида дадил одимланаётган бир пайтда руҳий-маънавий янгиланишлар айниқса, муҳим аҳамият касб этади. Ўсиб келаётган ёш авлод онгига бундай хусусиятларнинг тўла сингдирилиши эса мустақил юртнинг порлоқ келажагига кафолатдир. Муҳтарам Президентимиз ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор билан қараб, уларни «бизнинг умидимиз ва ишончимиз» деб атаётгани бежизга эмас. Бир кун ёшларимизнинг зукко ва билимдон, ҳалол ва диёнатли бўлишлари йўлида жон куйдириш ҳар бир кишининг, хусусан, биз ҳуқуқ идоралари ходимларининг асосий вазифаси саналади.

Маънавият инсонни камолга етказувчи манбадир. Агар кишининг маънавий олами бой, маданияти юқори бўлса, у ҳеч вақт ахлоқат ботқоғига ботмайди, номақбул ишларга қўл урмайди. Ор-номусли, меҳр-оқибатли хонадонларда ўсиб-улғаяётган фарзандлар шунинг учун ҳам барча чиройли фазилатларни ўзларида камол топтирадилар. Бу ўғил-қизлар келгусида жамиятимиз юкини елкалаб, эл-юртга фойда келтириб яшайдилар. Лекин айрим хонадонларда фарзандлар тақдирига лоқайдлик билан қаралади. Шунинг оқибатида уларнинг болалари майда жиноятчилик, ўғрилик ҳодисаларини содир этишиб, эл олдида уятга қолмоқдалар. Айниқса, кейинги йилларда боқимандалик кайфиятидан ҳамон қутулолмаётган ёшларнинг гиёҳвандликка ружу қўйиши оқибатида уларнинг ҳаётлари хавф остида қолаётгани сир эмас. Айни балоғат фаслида суднинг қора курсисига ўтириб, ўз тақдири устидан чиқариладиган ҳукмни афсус-надомат билан кутаётган бундай ёшларни кўриб куюнасан, киши. Хўш, улар нима сабабдан шу йўлга кириб қолишди? Айтиш мумкинки, кунига телеэкранда берилаётган жангари фильмлар, савдога чиқаралаётган маиший мавзудаги савияси паст китобчалар, видеокассеталарда акс эттирилган беҳаё кинофильмлар ёшларимизнинг дилини хасталантирмоқда, ақлини адаштираётир. Баъзи бир катталар, айниқса, ота-оналар ёшлар тарбиясини издан чиқараётган бундайин ҳодисаларни чеклаш ўрнига, ўзлари ҳам бу нарсага сабабчи бўлишмоқда. Яъни фарзандларнинг қандай китобларни ўқиб, қай фильмларни кўраётгани ҳамда иш ёки ўқишдан сўнг нималар билан машғул бўлаётгани билан умуман қизиқмайдиган ота-оналар бор. Оқибатда баъзи салбий таъсирларга берилган ёшлар ишдан, ўқишлардан чалғиб, турли кўчаларга кириб кетишмоқда. Ўзгалар таъсирида ёмонликка юз тутиб, инсоннинг ҳаётига хавф соладиган гиёҳвандлик моддаларини уйларида яширинча сақлаган бир қанча ёшларнинг иши яқинда туманимиз судида кўриб чиқилди.

Чиноз шаҳридаги З.Носиров номли кўчада жойлашган 21-уйда яшовчи Абдумажид Абдуллаевнинг омборхонасидан 87,2 грамм миқдорида гиёҳванд модда топилган. Худди шунингдек, «Чиноз» жамоа хўжалигининг Ҳамза маҳалласида яшовчи Комилжон Аҳмедовнинг хонадонидан 7,3 грамм, Чиноз шаҳар Ҳамза кўчасидаги 21-уйда яшовчи 1970 йилда туғилган Шукуржон Турсуновнинг хонадонидан 0,04 грамм, Истиқлол кўчасида яшовчи 1972 йилда туғилган Қобилжон Мирахмедовнинг хонадонидан 0,004 грамм, Дўстлик кўчасида яшовчи 1966 йилда туғилган Алишер Сотиболдиевнинг уйидан 0,001 грамм миқдорида гиёҳвандлик моддалари топилиб, бу йигитлар одил суд томонидан жиноий жавобгарликка тортилдилар. Аянчлиси шундаки, гиёҳвандлик моддаларини уйларида сақлаган шахслар ва уларнинг оила аъзолари сўроқ қилинганда, «биз бу моддаларни бировга сотиш учун олмаганмиз, уни ўзимиз истеъмол қиламиз» дейишди. Гўёки бу моддалар киши танасидаги шамоллашни йўқотар эмиш. Уч-тўрт кунлик хасталик пайтида наркотик моддани истеъмол этиб юрган ўсмир ёшлар шамоллашдан тузалгач, янада оғирроқ бошқа бир хасталикка, яъни гиёҳвандлик касалига чалинмайдиларми, ахир?! Бу касаллик эса бора-бора уларнинг ҳаётини издан чиқаради.

Ана шу аччиқ ҳақиқатни англаб етмаслик ёшларимиз маънавиятидаги нуқсонлардан биридир. Янги аср бўсағасида турган кишилик жамияти ёш авлодга умид ва ишонч билан қарамоқда. Демак, эртанги кунларимизнинг саодатли бўлиши бугунги авлоднинг маънан баркамоллигига боғлиқ. Биз бу борада аждодларимизнинг турмуш тажрибаларини, ҳаётий ўгитларини эслаб турмоғимиз зарур. Улуғ алломалар «Ишингиз билан сўзингиз бир бўлсин», «Чиройли хулқ гавҳардир, уни покиза асранг», «Билим ва ҳунар инсонни жаҳолатдан қутқаради!» деган ўгитларни айниқса ёшлар учун таъкидлаб, уларни инсофу адолатга чақирганлар. Бугунги кунда эса ёшлар маънавиятини ўстириш, уларни теран фикрлашга, зукколик ва ҳушёрликка ўргатиш фақат ота-оналарнинг эмас, балки ҳар биримизнинг вазифамизга киради. Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов бу ҳақда алоҳида сўз юритиб шундай деганлар: «Ҳар бир оқил инсоннинг ва жамиятимизнинг муқаддас вазифаси, айтиш мумкинки, ҳаётнинг маъноси - қобил фарзандлар ўстириш, уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан мукаммал қилиб тарбиялаш, камолини кўриш, ота-онасига, Ватанига садоқатли кишилар этиб вояга етказишдан иборатдир!»

Демак, янги даврга мос, билимдон ёшларни тарбиялаб ўстиришдек улуғ ишни адо этмоқликка ҳар биримиз ўзимизни масъул деб ҳисоблашимиз зарур экан. Шу жиҳатдан олганда, ҳуқуқ идораларининг иши фақат айбдорни топиб уни жазолашдангина иборат эмас, балки жиноятларнинг олдини олиш ва ёшлар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтиришдир. Ўтмиш мутафаккири Абу Наср Фаробий «Ўзгалар бахтини ўйласак, ўз бахтимизни ҳам топамиз» деган экан. Биз ўз ишимизда муваффақиятга эришмоқ учун аввало бошқалар муваффақиятини таъминлашимиз даркор. Ана шундагина эл-юрт тинч ва хотиржам бўлади. Кишиларимиз, хусусан, ёшлар ўртасида турли жиноятчилик ҳолатлари кескин камаяди. Бугунги сиёсатимиз мазмун-моҳиятини ёш авлод онгига тўла-тўкис сингдириш йўлида ҳар биримиз ташаббускорлик ва тадбиркорлик кўрсатиб иш юритайлик.

Бахтиёр РУСТАМОВ,
Тошкент вилояти Чиноз тумани судининг раиси

(Боши 1- бетда) Ҳайрли ниятлар билан Сурхондарё вилояти ҳокимлиги қошида ташкил этилган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, деҳқонча таъбир билан айтганда, раҳбарга ёлчимади. Натижада мазкур тизимда ҳаливери изга солишнинг имкони бўлмаган носоғлом муҳит юзага келди. Илгари бирор-бир жамоада жанжалу машмашасиз фаолият юритмаган Абдухалил Меликулов мазкур бошқармага раҳбар бўлди-ю, босар-тусарини билмай қолди. Вилоятнинг олис туманларида жойлашган муассасалар уёқда турсин, Термиз шаҳрида шундоққина бақирса овози етадиган лицейлару коллежларга ҳам «Эртага зудлик билан фалон соатда йиғилишга етиб келинг!» деган мазмунда имло хатоларга лиқ тўла шошилинч номалар жўнатадиган одат чиқарди. Абдухалил Сатторовичнинг муборак вужудларида телеграмма жўнатиш дарди шу қадар хуруж қилдики, асти қўяверасиз. Коллежлар, лицейларнинг «почта қабул қилувчи»ларининг бош қашишга қўллари тегмай қолди. Ҳаттоки, бир ойда 20-25 тагача телеграмма қабул қилишга одатланган домлалар шошилинчнома келмай қолган кунларда «бошқарма бошлиғи бетобланиб қолмадимикин» деган изтиробли гумонларга борадиган бўлди. Буниси ҳали ҳолва, ривояту ҳикоятларни эшитаверсангиз, Меликуловнинг саргузаштлари олдида «Минг бир кеча» эртаклари ҳам ип эшолмай қолаверади.

* * *

Фуқаро Н.Жумақулова бизга тақдим этган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Сурхондарё вилояти назорат тафтиш бошқармаси маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш комиссиясининг қуйидаги хулосасига эътибор қаратинг:

«Маъмурий жазо чорасини қўллаш тўғрисида қарор

1999 йил 16 июн *Термиз шаҳри*

Абдухалил Сатторович Меликулов - Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Марказ)га қарашли Сурхондарё вилоят ҳокимлигининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи.

А.С.Меликуловнинг ўз вазифасига эътиборсизлиги, ходимлар ўртасида хизмат вазифалари тақсимотини тўғри белгилаб қўймаганлиги оқибатида 138 тонна (умумий баҳоси 874 минг 200 сўмлик) кўмир бошқарманинг қуйи тизим муассасаларига ортиқча юборилган. Бунинг оқибатида ушбу миқдордаги кўмир ёқилғиси жойлардаги ғишт заводларига тўловсиз бериб юборилган. Натижада 1999 йилнинг биринчи чорагида 5 миллион 264 минг 500 сўм бюджет маблағининг ошиқча харажат қилинишига йўл қўйилган. Кўмир ёқилғиси учун шартнома тузишда реал эҳтиёжлар ўрганиб чиқилмаган.

Сурхондарё вилоят назорат тафтиш бошқармасининг маъмурий ҳуқуқбузарликни кўриб чиқиш комиссияси Республика Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 175-2 «Бюджет интизомини бузиш» ва 64-1 «Назорат тафтиш бошқармаси органлари» моддаларига таяниб, вилоят ҳокимлигининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи А.С.Меликуловга нисбатан минимал иш ҳақининг ўн баробари, яъни 13200 сўм миқдорида жарима белгилашга қарор қилади.

Комиссия раиси **Ж.М.Холиёров».**

Савол туғилади: хўш, жаноб Меликулов совқотса нимага исинади? Кўмиргами ёки ошиқча харажат қилинган миллионлаб сўмларгами?

Мабодо қули кўкка совурилган давлатнинг ва халқнинг пулларига унинг бир ўзи «исингани»да эди, аллақачон муносиб жазосини олган бўлур эди.

Қисқа вақт, яъни аниқроғи уч ой мобайнида Термиз озиқ-овқат саноати коллежида директор бўлиб ишлаган Хўжамурод Чориевнинг сўзлари:

- Абдухалил Сатторовичнинг қачон қарама, топган гапи битта: «Текширувчилар келган. Харажатни кўтариш керак. Акс ҳолда ҳаммаларинг ишдан кетасизлар. Чатоғимиз чиқади».

Лицейлар ва коллежларда ҳужжатлар қабул қилишдан тортиб токи тест синовлари натижасигача ўзи аралашади. Мен раҳбарлик қилган коллежда кириш имтиҳонларини такрор ва такрор ўзи ўтказиб ота-оналару абитуриентларни сарсон-саргардон қилди. Айниқса, Термиз Давлат университетида ишлайдиган укасини ҳам қабулга аралаштириб, талабаликка қабул қилинувчилар рўйхатини тузиб одамларни норози қилганлигини айтмайсизми?

* * *

Яна бир фожиали воқеани фуқаро Райҳон Тоштемирова ҳикоя қилади:

- Жияним Гулчеҳра Жўраева Шеробод туманидаги Тиббиёт билим юртига ўқишга кириб, фанларни муваффақиятли ўзлаштириб, учинчи курсга кўчган эди. Аммо биласизми, бозор шароитида Чоржўй вилоятидан Шерободга қатнаб ўқишнинг ўзи бўлмайди. «Йўл азоби - гўр азоби» дейдилар. Ҳеч бўлмаса вилоят марказида ўқисам масофа яқинроқ бўлар, деган умидда ўқишини Термиз тиббиёт билим юртига ўтказмоқчи бўлди. Бунинг учун вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Абдухалил Меликуловнинг розилиги керак экан.

Мен А.С.Меликуловнинг Равшан исмли жияни билан таниш эдим. Равшан ўртада воситачи бўлиб, катта пул эвазига бошқарма бошлиғининг имзоси чекилган «99.14.01. №Ж-2» рақамли махсус бланкага ёзилган розилик хатини олиб чиқиб берди. Аммо Меликуловнинг бизга пуллаган розилик хати жияним Гулчеҳра Жўраевага наф бермади. Унинг ўқишини барибир Шеробод тиббиёт билим юртидан Термизга ўтказишмади. Орада ота-онаси билан жанжаллашиб қолдик. Охири, жияним алдовлар аламига чидай олмай, ўзига ўт қўйиб, оламдан ўтди. Умуман бошқармада шундай одам раҳбар бўлиб турганлиги учун домлалардан ҳам, ўқув юртларидан ҳам кўнглим қолиб кетди.

* * *

Термизлик Нигора Жумақулова эри Жўрақул Жумақуловнинг қайси гуноҳлари учун бошқарма бошлиғи А.С.Меликулов ишдан ҳайдаб юборганлигини билолмай ҳайрону лол. Нигора Жумақулованинг Сурхондарё вилояти ҳокими ва прокурори номига ёзган йигирма бандлик шикоят аризасида баён этилишича, унинг эри вилоят халқ таълими объектлари қурилиши дирекцияси бошлиғи Жўрақул Жумақулов бошқарма бошлиғи А.С.Меликуловнинг шахсий қурилиши учун сўралган икки минг дона бетон блокчаларни бермаган, оқибатда бошқарма бошлиғи билан оралари бузилиб, ишдан кетишга мажбур бўлган.

* * *

- Меликуловнинг ҳамиша қўллаб турадиган «зўр»лари бор, - дейди Термиз академик лицейи директори Бўри Қодиров. - Унинг зуғумларидан безиб шикоят ёзмаган одам соҳамизда қолмади, ҳисоб. Аммо... Мен ҳам курашмай қўйдим. Охири Худодан топар-да. Бошқа арз қиладиган жойимиз қолмади. Додимизни ҳеч ким тингламайди. Лицей раҳбари бўлсангу ўқишга кириши керак бўлган абитуриентларнинг рўйхатини ўзи тахлаб ўтирса. Ахир, оддий халқнинг билимли фарзандлари ҳам ўқиши керакми лицей ва коллежларда? Нуқул қабулни ҳам, имтиҳонларни ҳам ўзи бошқарса... Директорлик штатларини қисқартириб юбора қолсин-да, бўлмаса!

* * *

Н.Жумақулованинг шикояти асосида республика ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази 1999 йил 3 августдаги буйруғига кўра, аризада ёзилган фактларни адолатли ўрганиб чиқиш мақсадида тузилган ишчи гуруҳининг хулосаси билан танишиб чиқдик. Ундаги айрим бандларга тўхталиб ўтамиз:

«... фуқаро Н.Жумақулованинг шикоят хатида келтирилган далилларни аниқлаш ва бошқарма фаолиятини ўрганиш мақсадида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги ўқув юртларининг раҳбарлари билан суҳбат ўтказилди. Суҳбатлардан вилоятда носоғлом муҳит яратилганлиги, шунинг учун ҳам таълим муассасалари раҳбарлари ўз фикрини очиқ билдиришга кўрқиши маълум бўлди. Бошқарма бошлиғи фаолиятида камчиликлар бўлса ҳам, унинг ишдан бўшатилишига таълим муассасалари раҳбарлари ишонишмайди.

«Таълим муассасалари раҳбарларининг шуурида «А.Меликулов бирор нарса ундирмаса, ҳеч қандай иш қилмайди ва ёрдам бермайди» деган фикр шаклланиб қолган».

«...Ҳудудий бошқарма томонидан ўқувчиларни соғломлаштириш ишларига етарли даражада эътибор берилмаяпти. Бошқармага қарашли Сариосиё ўрмончилик касб-ҳунар билим юрти қошидаги 100 ўринли «Замондош» оромгоҳини 1999 йилда ишга тушириш масаласи бошқарманинг апрел ойидаги ҳайъат йиғилишида кўриб чиқилган ҳамда 16 июнда ушбу масала юзасидан «А-89» сонли буйруқ қабул қилинган. Оромгоҳ бошлиғи А.Зоҳидовнинг маълумотномасида ҳар хил ўқув юртларининг 80 та ўқувчиси 1 июлдан 15 июлгача оромгоҳда дам олишди дейилгану лекин етарли шароит бўлмаганлиги сабабли ўқувчилар 6-7 июлда оромгоҳдан қайтишга мажбур бўлганлар. Шундан сўнг «Замондош» оромгоҳини ёпиш тўғрисида бошқарманинг буйруғи қабул қилинмаган бўлса ҳам кейинги мавсумларда фаолият кўрсатмади...»

Муаллиф изоҳи: Мен ушбу мақоланинг юқорисида «хурматли» фан докторининг телеграммабозлик касалига «чалингани»-ю, ўша шошилинчнома матнларининг имловий хатоликларга тўла эканлиги ҳақида тўхталиб ўтгандим. Текширув гуруҳи хулосасидаги ушбу жумла ҳам буни тасдиқлайди:

«Текширув жараёнида бошқарма томонидан ўқув муассасаларига амалий-услубий ёрдам кўрсатилмаётганлиги, буйруқларнинг саводсизлиги, бошқарма ходимларининг лавозим вазифалари аниқ бажарилмаётганлиги маълум бўлди. А.Меликуловнинг бошқарма тасарруфидаги ташкилотлар кадрларни тўғри танлаш ва жой-жойига қўйишни билмаганлиги, уларни тез-тез алмашишига сабаб бўлган».

* * *

Хуллас, марказнинг ишчи гуруҳи текшириб тайёрлаган маълумотномада келтирилган жаноб Абдухалил Меликуловнинг «ўзига хос» фаолиятидаги кўзбўямачиликларини ёзадиган бўлсак саҳифамизга сиғмайди.

Ишчи гуруҳи ўз текширувларининг якунида бошқарма фаолиятидаги камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш ва ишни тубдан яхшилаш юзасидан қуйидаги еттита таклифни республика ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази раҳбариятига тақдим этади:

1. Вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи А.Меликуловни вазифасидан озод қилиш.
2. Бошқарма ходимларини аттестациядан ўтказиш.
3. 1 сентябргача асоссиз қисқартирилган битта штат бирлигини тиклаш ва вакант ўринларга кадрларни жамлаш.
4. Ҳудудий бошқарманинг фаолиятини молиявий тафтишдан ўтказиш.
5. Янги турдаги таълим муассасаларининг қурилиш ва реконструкция ишларини белгиланган муддатда тугатиш, ўқувхона, ошхона ва ётоқхоналарни ўз вақтида жиҳозлаш чораларини кўриш.
6. Бошқарманинг назорат гуруҳи фаолиятини талаб даражасига кўтариш.
7. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларини соғломлаштириш ишларини яхшилаш. 1999-2000 ўқув йилида соғломлаштириш оромгоҳларининг тўлиқ фаолият кўрсатишини таъминлаш лозим.

Сўнгсўз: Азиз ўқувчи! Сиз жанггоҳда ёлғиз қолиб кетган аскар ҳақида ривоятни эшитганмисиз? Айтишларича, душманлар ўша аскарнинг нақд кўксига пайкон қадаганларида, ёлғиз жангчи «воҳ орқам-а» деб фарёд чекибди. Чунки у ёлғиз эди-да. Агар орқасида маҳобатли қўшин бўлганида унинг кўксини нишонга олаётган камончининг қўллари қалтираган ва ўқи бенишон кетган бўлур эди. Аскар-ку, «Ватаним, юртим» деб шаҳид бўлибди. Аммо бугун сув билан ҳаводек зарур бўлган таълим-тарбия ишини «хурҳун» қилиб қўйган жаноб Меликулов нега ёлғиз эмас? Унинг орқасидаги «тоғ»лар, суянчиқлар кимлар ўзи? Нега ушбу машмашаларни республика ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, вилоят ҳокимлиги ва ҳуқуқ-тартибот идораларининг раҳбарлари жимгина томоша қилиб ўтиришибди?

Бахтиёр ОЛЛОМУРОД,
«Инсон ва қонун»нинг махсус мухбири

Мухбиримиз бонг уради

«СУЯНЧ ТОҒЛАР» ҚАЧОН НУРАЙДИ?

Бош муҳаррирга хат

ҚЎМАК БЕРМОҚДА

Ҳурматли Бош муҳаррир!

Ҳаммамизнинг кўз ўнгимизда янги фуқаролик жамияти сари қадам ташланмоқда. Демократик тамойиллар равнақи учун тинимсиз куч сарфланмоқда. Буни қизғин кечаётган сайловолди тайёргарликларидан яққол кўриш мумкин.

Жойлардагидек бизнинг сайлов участкамизда ҳам Олий Мажлис депутатлари сайлови ва Ўзбекистон Президенти сайловига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Сайлов участкамизда ташкил этилган «Сайловчилар хонаси»да «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси», «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида», «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонун ҳужжатлари қўйилган. Уни сайлов комиссиялари аъзолари ва бу ерга ташриф буюраётган сайловчилар ўқиб-ўрганмоқдалар.

Сизга хат йўллашим боиси **«Инсон ва қонун» ҳуқуқий, ижтимоий-оммабоп газетаси** сайлов участкамиз комиссияси аъзоларига, сайловчиларга, фуқаролар кенг қатламига демократик сайловларнинг мураккаб томонларини ўрганиб олишда қўл келмоқда. Сайловолди тарғибот-ташвиқот ишларида Сиз раҳбарлик қилаётган нашрнинг кейинги сонлари яхши манба, қўлланма бўлаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Айниқса, газетанинг 5 октябр сонида босилган «Демократик сайловлар: шакл ва мазмун», 12 октябр сонида чоп этилган «Ўзбекистон сайловлар арафасида», 19 октябр сонидаги «Сиёсий фаоллик - ҳамманинг бурчи» мақолаларини ўқиб жуда кўп нарса ўргандик. Газетанинг юқоридаги сонлари сайлов участкамизда энг яхши қўлланма бўлиб қолди. Газета сайловлар олдидан мутахассислар, ҳуқуқшуносларнинг чиқишларига кенг ўрин ажратаётганини табриклаш керак. Чунки бундай чиқишлар сайлов участкалари комиссиялари аъзолари ва кўп сонли сайловчиларимизнинг сайлов ислоҳоти, демократия йўлидаги сиёсий ҳамда ҳуқуқий билимларимиз ошишига қўмак бермоқда.

Амирқул МАМАТҚОБИЛОВ,
Самарқанд вилояти, Нарпай туманидаги 380-Қорасийроқ сайлов участкаси сайлов комиссияси раиси

ТАЛАБАЛИК ДАВРИМ, ДАВРОНЛАРНИНГ ЗЎРИСАН!



Талабаликнинг ўзига хос гашти бор. Биз ижодкорлар уни «олтин давр» деб атаймиз. Айниқса, талабалар қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларига ёрдам бериш мақсадида ҳашарга чиқишса, барчалари учун чинакам биродарлик синови бошланади. Хоҳ пахта йиғим-терими, хоҳ мева-сабзавот териш бўлсин, ҳамиша ҳам бободеҳқонларнинг асосий мададкори, кўмакчиси талаба йигит-қизлар бўлишади. Айни пишиқчилик даври - ёзнинг охирларида олтинранг узумзорлардаги сара ҳосилнинг саранжомлаб олишда Қизириқ туманидаги «Бандихон» тажриба хўжалиги соҳибкорларига Термиз хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи талабалари сидқидилдан ёрдамлашишди. Термизлик ҳашарчи талабалар кўмаги билан соҳибкорлар ўз буюртмачиларига 350 тоннадан ошиқ сифатли узум етказиб беришганди.

Пахта мавсумида эса Термиз хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг оловқалб талабалари Қизириқ тумани пахтакорларига камарбаста бўлишди.

- Ушбу ҳамкорлигимизга ўн йилдан ошди, - дейди коллеж директори Чори Жумаев. - Менинг мамнунлигим шундаки, талабаларимиз орасида биронта ҳам ялқов ва дангаса йўқ. Билим юртлари борки, талабалари ҳашарга олиб чиқилса, терган пахтаси озиқ-овқатларини ҳам қопламайди. Бизнинг коллежимиз ҳашарчилари эса тамомила бошқача. Шаҳноза Жўраева, Дилшода Муҳаммадиева, Гуласал Муҳаммадиева сингари одобда тенгсиз қизларимиз мамлакатимизнинг улкан хирмонига ҳар куни 70-100 килограммдан пахта териб, ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Ўз мухбиримиз

Суратда:
Теримда илғорликни қўлдан бермаган талабалар Б.Раҳимов, А.Юсупов, Б.Холиёровлар ўқишда ҳам сабоқдошларига ўрнак бўлиш истагидалар. Айтмоқчи, улар ҳашарда орттирган даромадлари ҳисобидан бизнинг илк обуначиларимиз ҳам бўлишибди. Офарин!

Прокурор назорати

НАФС БАЛОСИ

Нафс инсонни не қўйларга солмайди, дейсиз. Айниқса, бугунги кунда, бозор муносабатлари даврида нафсини тиёлмасдан ҳар мақомга ўйнаётганлар озми? Сирдарё вилояти Мирзаобод туманида яшовчи Жалолиддин Йўлчиев ана шундайлардан чиқиб қолди. У ўзининг нафсини қондиришнинг бугунги кунга хос антиқа йўлини топди. Замон сенга боқмаса, сен замонга бок, деганлари шу бўлса керак-да!

Жалолиддин Йўлчиев Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳрида жойлашган «Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Мирзаобод туманидаги тузилмаси - «Алишер» номли фирма дўконини ташкил этади. Фирма дўконнинг низомида унинг асосий вазифаси қуйидагилардан иборат деб белгилаб қўйилган эди: фирма «Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси билан шартнома тузади ва ана шу шартномага мувофиқ, корхона маҳсулотларини 50 фоиз нархини олдиндан тўлаган ҳолда моддий жавобгарлигига олади, товарларни ҳам нақд пулга, ҳам пул кўчириш йўли билан сотади, корхона билан вақтида ҳисоб-китоб қилади, ўз фаолиятини шахсий даромади ҳисобидан юритади. Жуда олижаноб ниятлар, шундай эмасми? Лекин ишқ бошқа, ҳавас бошқа экан. Ж.Йўлчиев бу мақсадларни тезда эсдан чиқариб қўйди. Яхши ниятлар аслида ўз нафсини қондириш йўлида ниқоб экани аён бўлди-қолди. Масалан, у 1998 йил 5 майда тузилган моддий жавобгарлик тўғрисидаги 64-сонли шартнома талабларини шахсий манфаатлари йўлида ишлатиб юборади. Лекин бу ҳали ҳолва экан. 1998 йил 5 ноябр куни у «Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмасидан 1-сонли ишонч қоғози воситасида умумий қиймати 81792 сўм бўлган 30 жуфт калиш, 20 дона автопокришка, яна ўша кунги ишонч қоғози воситасида умумий қиймати 14841 сўм бўлган яна 30 жуфт калиш, 1998 йил 9 ноябр куни 1-сонли ишонч қоғози воситасида умумий қиймати 31752 сўм бўлган 42 метр квадрат эластопол, умумий қиймати 210100 сўм бўлган 96,2 п/м конвейр лентаси, хуллас, жами 337.485 сўмлик товарни ўз жавобгарлигига олади. У калишларнинг 20 жуфтини ҳар бирини 230 сўмдан, жами 4600 сўмга шахсини тергов жараёнида аниқлаб бўлмаган одамга Ангрен бозорида нақдига пуллаб, пулини ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборади. Қолган молларни эса савдо қилиш учун турғун дўкони йўқлиги боис Оқолтин туманида, Сардоба қўрғонида «Оталар чойхонаси»да ошпаз бўлиб ишловчи эски танишларидан бири Б.Казаковнинг ошхонасига олиб келади ва 40 жуфт калишни шу ернинг ўзидаёқ шахси номаълум одамга пуллаб юборади.



Чўнтакка мўмай даромад тушиб тургач, нафс қурғур баттар ҳакалак отиб кетади. У 1998 йил 3 декабр куни Жиззах шаҳридаги «Соғлом авлод учун» ишлаб чиқариш марказидан 24-сонли шартнома тузади. Унга биноан 62-сонли ишонч қоғози ва 1-сонли юк хати воситасида пул кўчириш йўли билан умумий қиймати 399.852 сўму 80 тийин бўлган 96,2 п/м конвейр лентаси, 42 метр квадрат эластопол, 20 дона автопокришка ҳамда моддий жавобгарлиги расман ҳеч қаерда қайд этилмаган, лекин қамомадларни ёпиш мақсадида олинган яна 20 дона автопокришка ҳам ушбу ташкилотга берилади, пули эса Ж.Йўлчиевнинг нафс ўпқонига тушиб йўқ бўлиб кетади.

У борган сари ўз фаолият майдонини кенгайтираверади. У Ангрен шаҳридан то Жиззах шаҳригача, Сирдарёнинг Оқ олтин туманидан то Тошкент бозорларигача бўлган кенг ва беҳудуд майдонда жавлон уради. Чунончи, у 1998 йил 5 декабр куни 2-сонли ишонч қоғози воситасида «Ўзбекрезинотехника» ишлаб-чиқариш бирлашмасидан умумий қиймати 399 минг сўм бўлган 95 дона автопокришкани олиб кетади.Уларнинг 20 донасини Тошкент шаҳрининг «Солнечний» бозорида шахси номаълум кимсага ҳар бирини 2 минг сўмдан жами 40 минг сўмга, 4 донасини эса Оқолтин туманидаги Сардоба қўрғонида жойлашган «Оталар чойхонаси»да ишловчи эски ошнаси Б.Казаковга ҳар бирини 3,5 минг сўмдан жами 14 минг сўмга сотади. Қолган 71 дона автопокришка Жиззахдаги «Соғлом авлод учун» савдо ишлаб-чиқариш марказига берилади. Шунингдек, Ангрен шаҳрида яшовчи Аҳмад исмли аллақандай шахсдан сотиб бераман, деган ваъда (гўё) билан олинган 60 метр квадрат эластопол ҳам шу ташкилотга берилади. Лекин ушбу марказ 1998 йил 24 декабр куни Ж.Йўлчиевдан илгари олган 96,2 п/м конвейр лентаси, 42 метр квадрат эластополни (умумий қиймати 282,700 сўм) сота олмагани учун ҳужжат асосида қайтариб беради. Нафсининг қули бўлган Ж.Йўлчиев уларни ғумдон қилишнинг ҳам йўлини топади-орадан икки-уч кун ўтмаёқ, уларни Тошкент шаҳридаги «Солнечний» бозорида шахси номаълум кимсага 110 минг сўмга сотиб юборади. Ана сизга «тадбиркорлик!»

Нафси тинчлик бермаган шоввоз «тадбиркорлик» фаолияти жуғрофиясини янада кенгайтиради - энди шаҳри Самарқанд сари равона бўлади. 1999 йил 20 январ куни шаҳардаги «ООО Бўрон ЛТД» корхонаси билан пул кўчириш йўли билан калиш сотиш ҳақида шартнома имзолайди. Шартномага кўра Самарқанддаги корхона «Алишер» дўконига 400.000 сўм ўтказади. Ж.Йўлчиев бу пулнинг 371 сўмини «Ўзбекрезинотехника» бирлашмасига ўтказиб, қиймати 741.840 сўм бўлган 1830 жуфт калиш олади. Шундан 934 жуфт, 400.032 сўмлик калишни «ООО Бўрон ЛТД» корхонасига жўнатади. Қолганларини эса Тошкентнинг Отчопар бозорида ўз фойдасига пуллайди.

Хуллас, Ж.Йўлчиев «Ўзбекрезинотехника» бирлашмасидан олган маҳсулотларнинг жами 730.497 сўму 32 тийинни ўз шахсий фойдаси учун пуллаб, жиғилдонига урган. Эътибор берган бўлсангиз, бу «олди-сотди»ларнинг барчаси атиги икки-уч ойнинг нари-берисида содир этилмоқда. Шунча қисқа муддатда шунча «даромад»! Уйингни сот, молингни сот, фирма ташкил қил экан-да!

Аммо ҳар қандай қинғир ишнинг қийиғи ҳам бир кунмас бир кун ошкор бўлади. Жиноят учун барибир қонун олдида жавоб беришга тўғри келади. Нафс бандаси Ж.Йўлчиев Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 167-моддаси 4-қисми «А» банди билан жавобгарликка тортилиб, суд томонидан тегишли жазосини олди.

Раҳматулло АБДУРАСИМОВ,
Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани прокуратураси терговчиси, адлия маслаҳатчиси

ҲАЁТ Истиқлол фидойилари МАКТАБИ

Фидойиликни сўзда эмас, ишда намоён этадиганларни бир қарашда илғаш қийин. Истиқлол фидойисини ўша одамнинг ҳаёт йўлларини кўз узмай кузатганлар, уни яқиндан билган-таниганларгина кашф этишади.

Камина ҳам яқинда ҳаётда кўриб-кузатиб, истиқлол хизматига камарбаста замондошларимиздан бирини кашф этишга муяссар бўлдим.

Отахонни ёшлигидан биламан. Оддий қишлоқ фарзанди. Эсини таниганида падари бу ёруғ дунёни аллақачон тарк этиб кетганди. Оилани тебратиш муштипар она - оддий пахтакор, пиллакор аёлнинг гарданига тушди. Аёл боши билан ҳам колхознинг иши, ҳам бола тарбиясига балогардон бўлди. Натижада рўзғорини бир нав тебратиб ҳам ўқув, ҳам одоб-ахлоқ бобида тенгги йўқ фарзандларни камолга етказди. Мактабни «Олтин медал» билан тугатгани боис Отахонни қурилиш муҳандислари тайёрлаш институтига имтиёзли асосда қабул қилишди.

...У аслида бутун Ўзбекистон қишлоқларидаги уй-жойларни лойиҳалаштиришдек масъулиятли вазифани бажараётган нуфузли институтнинг ишига аралашмоқчи эмасди. Бироқ лойиҳадаги ишкалликларни била-кўра туриб, жим туришга виждони чидамади. Муҳандис йигит қатъий хулосага келди: қурилиш лойиҳадаги алфозда бошланмаслиги керак (бу воқеа 80-йиллар бошида бўлган). Ваҳоланки, амалдаги лойиҳа неча юз минг сўмнинг бошини еб кетиши камлик қилгандай ишни ҳам бир неча ой орқага суриши турган гап. Башарти, унинг бу ҳақдаги эътирозини тинглагувчилар туманда ва трестда топилмаса, вилоятга бош уриб боради... Хайрият, маҳаллий раҳбарлар тушунишди, ҳатто қўллаб-кувватлашди ҳам. Бироқ пойтахтлик лойиҳачилар кўнишмади. Шунда у охирги чорани ишга солди: тап тортмай вилоят раҳбари ҳузурига борди. «Ёшулли»нинг талаби билан Тошкентдан мутахассислар чақирилди. Махсус комиссия лойиҳанинг авра-астаригача ағдарди. Пировардида, «зукко» лойиҳачиларни эмас, «ўжар» муҳандисни қўллашди. Лойиҳанинг ёш муҳандис эътироз билдирган жойларини бутунлай қайтадан тайёрлашди. Қурилишга ана шундан сўнггини киришилди...

Қурилишнинг «пири» саналган лойиҳачиларнинг додини берган бу ўтюрак йигит - ўша биз-билган Отахон эди.

Отахон қурилишга, мутахассислар сув билан ҳаводек зарур палла, 70-йилларнинг охирида келди. Мустақил меҳнат фаолиятини собиқ иттифоқнинг ўша кезлардаги энг йирик қурилишларидан бири - Туямўйин сув омбори бунёдкорлигидан бошлади.

Ихтисослигига кўра Отахон Матёқубовни бино ва иншоотлар қурилишига йўллашди. Уста, прораб, участка бошлиғи каби лавозимни бир-бир босиб ўтди. Мана, бошқарма бошлиғининг ўринбосари, бош муҳандис вазифаларини уддалаган давр ҳам ортда қолди. Отахон ҳозир ҳам «Туямўйин»да йирик ва пешқадамликда манаман деган кўчма механизациялашган колоннанинг раҳбари. Пешонасига нуқул «асрий» қурилишларни (Туямўйин сув омборидан ташқари, «Мерседесс-Бенц» юк автомашиналари заводи, Ўзбекистон қанд-шакар саноатининг тўнғич корхонаси - Хоразм шакар фабрикаси қурилишларига ҳам бош-қош бўлиш) барпо этишдек шарафли вазифалар битилган толеи баланд йигит.

- Ўшанда лойиҳачилар билан «жиққа-мушт» бўлишга нима сабаб бўлганди ўзи, - сўраймиз ундан.

- Ҳаммаси Хазорасп туманида қуриладиган ўрта мактаб биноси лойиҳасидан бошланди. Балки биров билар, биров билмас: Хоразмда иморат қуриладиган жойнинг тагига тупроқ солишиб, пойдеворни захдан муҳофаза этишади. Бу бир қаватли пастқам пойдеворли уйлар қурилишидагина асқотади. Кўп қаватли уйлар эса қаттиқ ерда, пойдевори баланд, мустаҳкам ҳолда барпо этилмоғи даркор. Тағ замини бўш жойда тикланган иморатнинг умри қисқа бўлиши тайин. Лойиҳачилар айни ана шу ҳақиқатни тушунишмади.

Муҳандиснинг айтишича, таклиф комиссия томонидан инобатга олингач, девори ва пойдевори мустаҳкам кўп қаватли бино қад ростлади. Унинг истеъдодини ҳам дастлаб ўшанда кашф этишди. Неча юз минг сўмлаб маблағни тежаб берган топқир муҳандисга нисбатан ҳурмат-эътибор ҳам ўшанда ўйғонди...

Отахоннинг муҳандислик фаолиятига 20 йил тўлди. Орадан кечган йиллар мобайнида унинг ўзи қурган иморат-иншоотлар сони 500 дан ортибди. Юрагида ўти борлар янгилик яратмасдан, топқирлиги, мардлиги, матонатини намоён этмасдан яшай олмайди. Аммо бу сифатларини атайлаб элга кўз-кўз ҳам қилишмайди. Бундай одамларга инсонийлик бир умрлик ҳамроҳ.

«Мерседесс-Бенц» автомобилсозлик (ҳозир у қайта ихтисослашиб, микроавтотранспорт воситалари ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган корхонага айланаяпти) заводининг бино ва иншоотлари 60 гектар ерни эгаллайди. Атрофларида эса мўъжаз турар-жой шаҳарчаси, маданий-маиший ва тиббиёт масканлари жойлашган. Мазкур иншоот ва иморатларнинг кўпчилигида муҳандис йигитнинг меҳнати, салоҳиятининг излари қолган. 90-йилларнинг ўрталарига келиб, Питнак шаҳри яқинидаги Чингиз тепа қирлари сатҳида яна бир йирик бунёдкорлик ишига қўл урилди - Ўзбекистонда ягона шакар фабрикасини қуриш бошланди. Мазкур йирик қурилишга жалб этилган ташкилотлар орасида О.Матёқубов бошлиғ кўчма механизациялашган жамланма жамоаси ҳам бор эди. Уларга бу ерда маданий-маиший ва турар-жой бинолари, санитария-тозалаш иншоотларини барпо этиш вазифаси юклатилди.

Уддабурро одамлар ҳамиша, ҳамма жойда керак. Корхонанинг турар-жой шаҳарчасидаги ишларни поёнига етказган жамоани энди корхонанинг асосий ишлаб чиқариш шахобчалари - хом ашё ва тайёр маҳсулотлар ҳамда ёнилғи-мойлаш материаллари омбори, механизация цехи, тарози бўлими, лаборатория биноси, маҳсулот қабул қилиш ва сақлаш майдончалари қурилишига сафарбар қилишади. Бу вақтга келиб, қурилишни молиялаш соҳасидаги ишлар ҳам бирмунча жонланди. Бир имкон иккинчисига йўл очаркан. Жамоа барча қурилишларни муддатидан илгари поёнига етказиб, комиссия ихтиёрига топширди. Хоразмлик бунёдкорларнинг батартиб, аниқ-тиниқ ишлашга одатлангани жиҳозлаш ишларини бажараётган туркиялик мутахассис-ишчиларни ҳам ҳайратга солди. Улар монтаж-созлаш юмушлари учун қайси бинога қадам босишмасин, барида охиригача пухта бажарилган ишларга дуч келишди.

- Барига Туямўйин сабабчи, - дейди биз билан суҳбатлашаркан колонна бошлиғи. - Воҳа бағрида барпо этилган бу улкан иншоот қурилишида Хоразмдаги барча қурувчи-монтажчилар тарихий тажриба тўпладилар, десам хато бўлмайди... Энди ўйласам, кўрган-кечирганларимнинг ўзи бир мактаб - ҳаёт мактаби экан.

Ҳа, масъулиятли, мураккаб ишларни қойиллатиб уддалаган киши ҳар неки юмушга қобилу қодир. Талабчан комиссия участка бошлиғи, олий маълумотли муҳандис Шавкат Матёқубов, иш бошқарувчи Исмоил Юсупов, сувоқчилар бригадири Аҳмад Наврўзов, ғишт терувчилар раҳбари Матёқуб Раҳимов, бўёқчи қизлар сардори Павлина Чистякова ва бошқаларнинг ишини юқори баҳолаганига каминанинг ўзи ҳам шоҳид бўлганман. Улуғ истиқлолимиз байрами арафасида мамлакатимиз пойтахти - Тошкентдан келган бир хушхабарни ҳам кўпчилик ғоят хурсандчилик билан қабул қилди. Президент Фармонига кўра давлатимиз орден-медалларига сазовор бўлганлар орасида воҳа қурувчиларининг вакили Отахон Матёқубов ҳам бор эди. Жамоанинг яна бир аъзоси Павлина Чистякова «Дўстлик» орденига сазовор бўлди.

- Барибир мукофотга лойиқ ишлолмаяпмиз, - дейди Отахон Матёқубов ишидан кўнгли тўлмай. - Ҳозир колоннамиз қурувчилари Хазорасп туманида барпо этилаётган 600 ўринли касб-ҳунар коллежи (жамоа тендер танловида ғолиб чиққан), 100 кишига мўлжалланган ётоқхона, 844 ўқувчига мўлжалланган мактаб, кўп қаватли турар-жой ва маъмурий-маиший биноларни бунёд этишда бош пудратчи сифатида қатнашаяпти. Туман раҳбарияти жамоа учун иш кўламларини яратишда барча чораларни кўрмоқда. Муҳими, биз бино этаётган иморат ва иншоотлар ижтимоий-иқтисодий турмушимизнинг мустаҳкам таянчларига айланаяпти. Бироқ имкониятларимиз доираси янада кенг. Бизга қолса тумандаги республикага машҳур «Қозоқ бозори» ҳудудида қолиб кетган ва маблағ тақчиллиги боис ўн йиллардан буён «туя гўшти еб» ётган «Санъат саройи»нинг чала биносини тадбиркорлар тасарруфига беришни тавсия этган бўлардик. Бу тадбир «ўлик қурилиш»га «жон» бағишлаб, уни воҳада энг катта, кўркам, гавжум супермаркетга айлантириш имконини беради. Чала қурилишни сотишдан келган маблағ эса яна ҳам қулайроқ ўринда янги санъат кошонаси, шунингдек, кўркам ўйингоҳ ҳамда маданият ва истироҳат боғини вужудга келтиришига сарфланарди. Бошқа бир таклифимиз ҳам бор. Туманимизнинг баҳаво, кўкаламзор масканида 1991 йили юқумли хасталиклар шифохонаси қурилиши бошланган эди. Маблағ тақчиллиги сабаб бу ерда ҳам ишлар оқсаб қолган. Айни пайтда туман марказий касалхонаси биноси ҳам эскириб қолган, Президентимизнинг тиббиётни ислоҳ қилишга доир Фармони халқимиз учун ғамхўрликнинг ёрқин нишонаси. Ана шу Фармон талабларига мувофиқ чала қолган шифохона қурилиши марказий касалхона қурилишига айлантирилса нур устига аъло нур бўларди. Туманимизнинг 150 минг кишилик аҳолиси учун жуда яхши шароит яратиларди.

Ҳаётда бир тоифа одамлар борки, доимо қийин-қистов ишларни четлаб ўтишади, масъулиятни ҳаргиз зиммаларига олишмайди. Ўшандай лоқайд, худбин кимсалардан асрасин. Жамиятимизда ундайларга қарама-қарши фикрловчи ва ишловчи инсонлар ҳам бисёр: улар бир ташвишни ҳамиша ўнга дўндириб яшашади, ишни ўзларига улкан шараф, ишсизликни эса қулфат санашади, ҳатто бировларнинг хато-қусурини ҳам ўзлариникидай билишади. Бундайларни элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган фидойи ватанпарвар тоифасига бемалол киритиш мумкин. Дарҳақиқат, мустақиллик ҳақида соатлаб вайсаса-да, ҳориб-чарчамайдиган айрим «истиқлолпарварлар»дан кўра ўн ишлаб, бир гапирмайдиган фидойи кишилар минг чандон афзал.

Хазорасплик қурувчи Отахон Матёқубов ҳам ишга ҳозиру камгап замондошларимиздан.

Абдулла СОБИРОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Бухоро вилоят Давлат божхона бошқармаси ходимлари ноқонуний олиб чиқиб кетилаётган бойликларимизни ушлаб қолишда ҳамиша сергак.
Суратларда: 1. Божхона ходимларидан Ражаб Ҳусейнов, Шуҳрат Гандимов (чапда). 2. Божхона пости бошлиғи вазифасини бажарувчи Зафар Рўзиев, назоратчи Раҳматулла Ражабов.
Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат

ФҲДЁ ҳаётидан

ҚУШ УЯСИ ҲАМ БУЗИЛМАСИН

Ватан муқаддас. Оила ҳам кичик ватан каби муқаддасдир. Бу бежиз эмас албатта. Ҳар бир инсон ватанда яшайди. Унинг турмуш тарзи, меҳнат қилиш жараёни бевосита ватан тақдири билан боғланиб кетган.

Ўзбекистонимизнинг мустақиллик йиллари ҳар биримизнинг қалбимизда ватанпарварлик туйғуларини янада мустаҳкамлаганлиги шубҳасиздир. Эндиликда ҳар биримиз ўз иш ўрнимизда мустақиллик шон-шарафи учун меҳнат қилишимиз бугуннинг талаби бўлиб қолди. Мен ФҲДЁ бўлимида ишлайман ва буни ўзим учун қатта бахт деб биламан. Негаки, бугунги кунда оила қураётган йигит-қизлар билан биргаман. Уларга ҳозирги замон оиласи, унинг талаблари, вазифалари ҳақида тушунтириш, суҳбатлар ўтказиш, ёшларнинг куч-қувватлари ва қобилиятларини тараққиётимизни янада тезлатиш сари йўналтириш мен учун ғоят мароқлидир.

ФҲДЁ бўлимлари ўз маъносига кўра янгитдан ташкил топаётган ҳар бир оила учун аҳд уйидир. Чунки шу ерда ҳамжиҳатликда яшаш тўғрисидаги аҳдномага имзо чекилади. Шунинг учун ҳам ФҲДЁ бўлимимизни ҳар томонлама талаб даражасида бўлиши учун ҳаркат қилаяпмиз. Сирдарё вилоят адлия бошқармаси раҳбарларининг бевосита ёрдами туфайли бўлимимиз замонавий мебеллар, керакли жиҳозлар билан таъминланиб, шарт-шароитимиз янада яхшиланди. Ҳозирда тумандаги 9 та қишлоқ фуқаролар йиғини, Сирдарё ва Баҳт шаҳарлари ҳокимиятидаги масъул кишилар ФҲДЁ бўлими иш фаолиятини юксалтириш йўлида саъй-ҳаракатлар олиб боришаётир. Ажримларнинг олдини олиш, оталикни белгилаш ҳолатларини қамайтириш мақсадида жойларда, маҳаллаларда кенг тушунтириш тарғибот-ташвиқот ишлари йўлга қўйилган. Туманимизда чоп этилаётган газета саҳифаларида ва маҳаллий радио эшиттиришларда мунтазам чиқишлар қилиб турибмиз.

Ҳозирги пайтда никоҳ гувоҳномаларини тўй оқшомида келин-куёвга топшириш тўла анъанага айланиб қолди. Шу тариқа ҳудудимизда ўтаётган тўйлар камчиқим, ихчам ва чиройли бўлишига эришилаётир. Шу йилнинг ўтган ойлари давомида ФҲДЁ бўлимимизда 596 та никоҳ, 1522 та туғилиш гувоҳномалари ўз эгаларига топширилди.

Ўтказилаётган тадбирларимизнинг таъсирчан, ҳаётий ва ибратли бўлишида тумандаги «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари ҳамда хотин-қизлар қўмитасининг астойдил кўмаги муҳим аҳамият касб этаётир. ФҲДЁ бўлими қошида туман ҳокимияти тавсиясига кўра тузилган муроса-маслаҳат кенгаши аъзолари ажримларнинг олдини олиш борасида мавжуд бўлган барча чораларни ишга солиб, фаолият кўрсатишмоқда. Бу кенгашнинг асосий фаолияти ёшлар онгида оила турмуш тарзини замонавий тарзда тиклаш, халқимиз урф-одатларига хос равишда мустаҳкамлаш, шу аснода келажак авлодни соғломлаштириш, иложи, имкони борича ажримларнинг олдини олишга қаратилди. Шу мақсадда махсус тавсиялар ишлаб чиқилди ва улар ўз самарасини бераётир.

Бугунги кунда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш идораси зиммасидаги вазифа беқиёсдир. ФҲДЁ идорасида расмийлаштирилган никоҳгина оила деб тан олинади ва бу эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини келтириб чиқаради. Демак, биз ўз вазифамизга ҳамиша жиддий қарамоғимиз, йигит-қизларга ҳаёт синовлардан иборатлигини, олдиндаги ана шу имтиҳонларга доимо шай турмоқ лозимлигини англатиб боришимиз шарт. Шу билан бирга оилада фарзанд дунёга келишини, унинг соғлом туғилиб, ватанимиз учун муносиб фуқаро бўлиб вояга етишида ота-она зиммасидаги масъулият муҳимлигини тушунтириш зарур. Туман хотин-қизлар қўмитаси, марказий касалхонаси, ФҲДЁ бўлими ҳамкорлигида никоҳдан ўтувчи йигит-қизларни «Саломатлик маркази»га чорлаб, таклифномалар тарқатаяпмиз. Шу тариқа улар тиббий кўрикдан ўтишиб, бўлажак фарзандининг яхши камолга етиши учун керакли маълумотларга эга бўлишади ҳамда ўзларини қизиқтирган ранг-баранг саволларга жавоблар олишади. Хуллас, бу тадбиримиз ҳам ота-оналар ва ёшларга манзур бўлганидан хурсандмиз.

Иш жараёнида турли ҳолатларга дуч келиниши табиий. Баъзан ака-укалар, опа-сингиллар ўзаро хурсандчилик билан қуда-анда бўлишади-ю, аммо минг афсуски, бунинг оқибати кўнгилсиз воқеалар ривожида нохушлик билан тугайди. Шунинг учун иложи борича қариндошларнинг ўзаро қуда-анда бўлишининг олдини олишга ҳаракат қилаяпмиз.

Оила масаласида аввало тарбия муҳим аҳамиятга эга. Ўғил-қизларни жуда ёшлигидан ҳаётга тайёрлаб бориш фойдадан холи эмас экан. Негаки, баъзан оила қураётган икки ёшнинг мустақил ҳаёт кечиришга тайёр эмаслигини кўриб ҳайрон қоласан. Шунингдек, қайнонакелин ўртасидаги келишмовчиликлар айрим йигитларнинг енгил турмуш кечиришга ўрганиб қолишлари ҳамда турмушдаги турли хилдаги қийинчиликлар ва фарзандсизлик ҳолатлари никоҳнинг бекор қилинишига сабаб бўлмоқда.

Оила эса ҳамиша ўз муқаддаслигини сақлаган ҳолда қоладиган муқаддас даргоҳдир. Келинг, азизлар, шу муқаддас даргоҳ поклиги, мустаҳкамлиги учун бир жону бир тан бўлиб ишлайлик, токи ҳеч кимнинг табиат нозик қилиб яратган кўнглига озор етмасин. Ҳеч кимнинг хонадонида кўнгилга тегиб кетадиган нохуш гаплар бўлмасин. Ахир, ҳаёт синовларидан мардонавор ўтиб, яшаб келаётган улуғ халқимиз орасида ҳам «Қуш уясини ҳам бузма!» деган ҳикматли гап юради. Унинг маъзини чақайлик-да, инсон оиласининг нақадар муқаддаслигини яна бир бор ҳис этайлик.

Манзура АКРОМОВА,
Сирдарё туман ФҲДЁ бўлими мудираси

Мутахассис шарҳи

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ - ХАВФСИЗЛИК КАФОЛАТИ

Ватанимизнинг миллий давлатчилиги ва иқтисодий мустақиллигини, қудратли интеллектуал салоҳиятини таъминлашда сиёсий ва ҳуқуқий, маънавий ва маърифий йўналишларда олиб борилаётган тадбирлар катта аҳамият касб этади.

XX аср поёнида Ватанимиз Олий Мажлиси томонидан янги асрда аҳоли хавфсизлигини кафолатловчи, фуқаролар масъулияти ва жамият тараққиётининг ҳуқуқий заминини белгиловчи бир қанча меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Буларга «Одам иммунитет танқислиги вируси билан касалланишининг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида»; «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»; «Гидротехник иншоотлар хавфсизлиги тўғрисида»; «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунлар мисолдир.

Эндиги асосий вазифа шу ҳужжатларни синчиклаб ўрганиш ва уларга амал қилиш тамойилларини ишлаб чиқиб, кенг омма ўртасида тарғибот ва ташвиқот тадбирларини амалга оширишдан иборат.

Президентимиз И.А.Каримов **«Жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш таъминланганда у чинакам ҳуқуқий, фуқаролик жамияти бўлади. Ҳар бир киши ўз ҳуқуқларини аниқ ва равшан билиши, улардан фойдалана олиши, ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қила олиши лозим. Бунинг учун аввало, мамлакатимиз аҳолисининг ҳуқуқий маданиятини ошириш зарур»** деб ёзади ўзининг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» китобида. Юртбошимиз инсон ҳуқуқлари соҳаси бўйича Миллий ҳаракат дастурининг яхлит тизимини яратиш зарурияти юзага келганлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтадилар. Бинобарин аҳоли хавфсизлиги бўйича бир қанча қонуний ҳужжатлар, уларнинг ижроси ўлароқ ҳукумат қарорлари қабул қилинар экан, бу ҳужжатларни ҳаётга тадбиқ қилиш, улар асосида фаолият кўрсатиш, онгли равишда англаш қандай ҳолатда? Мазкур қонунларни ижросини таъминлаш, қўйилган вазифаларни тўғри англаб, уларни бажариш ва энг аввало, ҳуқуқий давлат барпо этиш учун олиб борилаётган ислоҳотларда ўз ўрнимизга эга бўлиш, фаол қатнашиш учун қандай амалий ишлар қилишимиз лозим?

Менинг назаримда мазкур саволларга муҳтарам Президентимиз, ҳар биримиз учун юқорида қайд қилинган китобларида жуда аниқ ва лўнда қилиб жавоб берганлар. Яъни «ҳар бир киши жамиятдаги ўз ўрнини билиши, ўзини жамиятнинг ажралмас қисми деб ҳис этиши даркор».

Биз фаолият кўрсатаётган Фақулодда вазиятлар вазирлиги фаолиятига бевосита тааллуқли муҳим ҳужжат «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди.

Шу қонун хусусида ўзимнинг айрим мулоҳазаларимни баён этсам.

Фуқаро муҳофазаси бўйича сўз юритар эканмиз, янги минг йилликка ўтиш - бу энг аввало, янгича яшаш шароитига ўтишдир. Бу шароитда «инсон-табиат-жамият» тизимидаги мувозанатни сақлаш фақат қонунлар устуворлиги ва кенг кўламли илмий изланишлар асосида бўлиши муқаррардир. Фуқаро муҳофазаси қонуни қабул қилинишидан кутилган асосий мақсад ҳам шу тизимдаги ўзаро боғлиқликка зарар етказмаслик, мабодо ҳалокат юзага келгудек бўлса табиий ва ижтимоий жабҳалардаги нохуш вазиятларга олдиндан тайёрланиш ва уларни бартараф қилишда иқтисодий самарадорликка эришишдан иборатдир.

Ҳозирги вақтдаги юксак илмий-техник тараққиёт, мураккаб ва мукаммал технологик жараён нечоғли жадал суратлар билан ривожланишга эга бўлмасин, фуқаро муҳофазаси муаммоларига тезкор таъсир этиш борган сари қимматлашиб бормоқда.

Мазкур муаммони ҳал қилишда содир бўлиши мумкин бўлган ҳалокатлардаги танглик ва улар оқибатларини бартараф қилиш бўйича мутлақо янги ғояга асосланган давлат стратегиясини ишлаб чиқиш лозим деб ҳисоблайман. Бунда асосий эътибор илмий асосланган ва иқтисодий мақсадга мувофиқ бўлган тадбирларга қаратилиши керак. Маблағларнинг аксарият қисми нохуш вазиятлар келтирадиган зарарни қоплаш эмас, балки уларни олдиндан башоратлаш, инсонлар саломатлигини сақлаш, атроф-муҳитга жиддий зарар етишининг кўламини камайтиришга йўналтирилган чора-тадбирларга сарфланмоғи даркор. Энг муҳими, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш учун улар билан мунтазам тарғибот ишлари олиб борилиши лозим. Бинобарин, ҳар бир фуқаро хавфсизлик чора-тадбирларини нечоғли билиши орқали, жамият хавфсизлиги таъминланади.

Қонун бешта бўлим, 27-моддадан иборат бўлиб, фавқулодда вазиятлар тушунчаси, давлат бошқарув ташкилотлари, маҳаллий ҳукумат органлари, фуқаролар ҳуқуқ ва мажбуриятларини қамраб олиб, том маънода инсон саломатлигини кафолатлайдиган асосий ҳужжат ҳисобланади. Албатта, ҳар бир модда моҳиятини, мазмунини англаш олдимизда турган асосий вазифадир.

Аввало ҳар қандай ҳукумат қарорлари қабул қилинар экан, уни тарғиб қилиш бўйича мутасадди ташкилотларга аниқ вазифалар қўйилади. Яъни биринчидан, давлат радио ва телевидения қўмитаси ходимлари, журналистлар шу қонунларга бағишланган махсус кўрсатув ва эшиттиришлар қилиши, бу тадбирлар Фавқулодда вазиятлар вазирлиги мутахассисларини жалб қилган ҳолда олиб борилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Иккинчидан, ҳозирги сайловолди тараддудида турган турли партия намоёндалари фуқаро муҳофазаси муаммоларига эътибор бериб, ўз дастурларига махсус бандлар киритиб, жойлардаги нохуш вазиятларнинг олдини олиш, бартараф этиш бўйича янги таклифлар билан қатнашсалар фойдадан холи бўлмас эди.

Учинчидан, Халқ таълими, Олий ўқув юрти вазирликлари тасарруфидаги барча ўқув масканларида «Ҳаёт хавфсизлиги асослари» ўқувига алоҳида эътибор кучайтириш, махсус дарс соатлари киритиш лозим.

Тўртинчидан, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга жалб қилинмаган аҳоли ўртасида, уларнинг ҳуқуқий маданияти юқори бўлишига эришишда маҳалла қўмиталарининг роли катта, албатта. Шу маҳаллаларда давра суҳбатлари, йиғилишлар қилиб турилса, назаримда нафақат меъёрий ҳужжатларни билиш савиясини оширишга эришилади, балки фуқаролик жамиятини барпо этишда аҳолининг ҳамма қатламлари фаол иштирок этиши таъминланади.

Умуман олганда, ҳаётимизни турли-туман хавфли ҳолатлардан кафолатлашимиз даркор. Хавфсиз ҳаётни таъминлаш эса ўз қўлимизда. Буни чуқурроқ англаш, маълум чора-тадбирларга тайёрланиш - шу хавфнинг олдини олишга ва унинг оқибатида содир бўладиган нобудгарчиликни камайтиришга хизмат қилади.

Анварбек НУРХЎЖАЕВ,
Фуқаро муҳофазаси институти кафедра бошлиғи

Меҳр-оқибат қўтарилмасин

ЧИҚҚАН ҚИЗ ЧИҒИРИҚДАН ТАШҚАРИМИ?

Оддий кунларнинг бирида Пайшанба шаҳарчасида одамни даҳшатга солувчи фожиа рўй берди. Тўрт фарзаднинг онаси, ҳаётда не-не умидлар билан яшаётган аёл ўз жонига қасд қилди...

Унинг турмушга чиққанига саккиз йил бўлган экан. Эр бўлмиш аёлининг ўзига моддий жиҳатдан қарамлигидан фойдаланиб, уни муттасил равишда қийнаб келган. Хўрлаб, камситган. Қайнона эса тарози паллаларини тенглаш ўрнига оиладаги уруш-жанжалларни янада авж олдирган. Калтакдан безган жувон онасиникига бир неча марта кетиб қолган. Ҳар safar эшикдан хомуш кириб келган қизини кўрганда она қанчалик изтироб чекканини бир тасаввур қилиб кўринг-а?! «Фарзандларинг бор, тоқат қилгин, яхши яшаб кетасизлар. Чиққан қиз чиғириқдан ташқари» нақлини айтиб, она қизини орқага қайтариб юборавергани. Бундан эр тўғри хулоса чиқариш ўрнига янада жоҳиллашган, жазаваси қўзиган. Шундай қилиб, жанжаллардан, калтаклардан безиган аёл жонига қасд қилган.

Тошбағир эр айбига яраша жазоланди, темир панжара ортига кетди. Орадан тўрт ой ўтгач, аёл ҳам оламдан ўтди. Тўрт нафар вояга етмаган гўдак меҳрга зор бўлиб қолди.

Фожиани газетхонларга ошкор қилиб, умри бевақт хазон бўлган аёлнинг яқинлари дардини янгилаш фикридан мутлақо йироқман. Мақсад - атрофимиздагиларга бефарқ бўлмайлик. Кимдир воқеликдан хулоса чиқарсин.

Ҳаёт боши, адоғи йўқ денгиз. Денгизда қалқимасдан сузиш учун оила кемаси мустаҳкам бўлмоғи керак. Ёшлар бир ёстиққа бош қўйган кунданоқ бир-бирларини тушуниб олишлари, қийинчиликлар олдида эсанкирамасликлари зарур. Биз ҳикоя қилган оила кемаси эса ҳаёт денгизида сузишга тайёр бўлмаган. Аниқроғи, оилада фарзандлар мустақил ҳаётга тайёрланмаган. Эр болаликдан худбин, ўзгаларга совуққон, хотин-қизларга паст назар билан қарайдиган бўлиб ўсган. У аввал ҳам шу туман суди ҳукми билан икки йил муддатга ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилинган. Қайнона оиладаги муҳитни яхшилаш ўрнига, аксинча, ўғлини келинга қарши гижгижлаган. Охир-оқибат...

- Аёлнинг жонига қасд қилиб, касалхонага тушганини эшитдим, - дейди суд мажлисида маҳалла қўмитаси раиси Ю.Ражабов. - Уларнинг оилавий жанжаллари қулоғимга чалинарди. Аммо бирон марта бу ҳақда ўзлари маҳалла қўмитасига мурожаат қилишмаган.

Халқимизда уйдаги гапни кўчага олиб чиқмайдиган одат бор. Барибир фожиадан кейин хунук воқеа элга овоза бўлди-ку? Шундай экан, маҳалла қўмитаси фаоллари низоли оилалар ишига «ўзлари мурожаат қилишмади», дея аралашмаслиги тўғри эмас. Қоларса, кўни-қўшни, яқин қариндошлар яранинг газак олиб кетишига асло бефарқ бўлмасликлари даркор.

Шундай паллада ота-оналар, маҳалла-кўй уларни тўғри йўлга солишлари керак. Шундай қилинса, юқорида қаламга олинганга ўхшаш тошбағир эр қамоқдан, она бевақт ўлимдан сақланиб, норасида гўдаклар меҳрдан бенасиб қолмасди.

Абдумажид НОРБЎТАЕВ,
Самарқанд вилояти, Каттақўрғон туман суди судьяси



«Навоийнон заводи» шўъба корхонасига ёш, ғайратли мутахассис Мурод Назаров бошлиқ бўлиб келгач, ишлар тубдан ўзгарди. Ўтган давр ичида ташкилотнинг молиявий аҳволи яхшиланди. Жорий йилнинг 9 ойида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 44,7 фоизга ошди. 9 ой 797 минг сўм фойда билан якунланди. Ҳозир бу ерда маҳсулот турлари кўпайтирилиб, сифати оширилаяпти.

Шу боисдан бу корхонанинг маҳсулотларига жойларда талаб катта. Харидорлар уларнинг маҳсулотларидан мамнун бўлишлари билан бирга хушмуомалалиги ҳамда хизмат кўрсатиш маданиятидан мамнундирлар.

Суратда: (ўртада) корхона раҳбари Мурод Назаров ишчилар Рустам Наимов, Рўзимурод Пўлатовлар билан.

Нурмамат АЛМУРОДОВ
олган сурат

Кунлардан бир куни, янаям аниқроғи шу йилнинг 22 апрелида «Ўзбекистон овози» газетасида «Сохта фариштa» сарлавҳали фельетонга кўзим тушди-ю, уни ички бир ҳаяжон билан ўқиб чиқдим. Фельетон муаллифлари - журналистлар Абдурасул Жумақул ва Илҳом Олимлар Шеробод туманидаги В.Қодиров номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Гулбой Бўриевнинг жиноий хатти-ҳаракатлари, давлат ва халқ мулкини талон-тарож қилаётганини аёвсиз танқид қилишган эди. (Мазкур фельетондан кўп минг сонли муштарийлар, жумладан, Сурхондарё вилоят ҳокимлиги ва ҳуқуқ-тартибот идоралари бохабар бўлганлиги учун бунга муфассал тўхталиб ўтишга ҳожат йўқ). Фельетонни ўқиб, муаллифнинг журъатига таҳсинлар айтиб юрганимда...

Мазкур фельетоннинг буёғи ҳам қурир-қуримас, чамаси бирор ҳафталардан сўнг Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг Сурхондарё вилояти бўйича мухбири Абди Қодировнинг ойнаи жаҳонда ўша хўжалик ғаллазорларида хўжалик раҳбари Гулбой Бўриев билан «сайр» қилиб суҳбатлашиб турганлигини кўриб лол қолдим. Хўжалик раҳбари «Ахборот» кўрсатуви учун интервью берар экан, «Хўжалигимиздан ҳар гектар майдондан 45-50 центнердан ғалла хирмонини яратиш имконияти бор, бунга албатта эришамиз», дея лоф сўқиб қолди.Мухбир ҳам мазкур хўжаликда ғалла ўрим-йиғимига вилоятда биринчилардан бўлиб киришилгани ҳақида ҳаяжонли лоф аралаш сўзларни кадр ортида ўқиб борарди.

Афсусдан, ҳайратдан ёқа ушладим. Ўша хўжаликнинг пасту баландини яхши билганим учун раисдан ҳам, ҳамкасбимдан ҳам хафа бўлиб кетдим. Ғаллазорлар ёппасига «занг» касаллигидан қовжираб ётганлиги боис бу нарсанинг фаҳмига саводсиз одам ҳам яхши борар эди-да. Пировардида Владимир Қодиров номли жамоа хўжалиги ғалла тайёрлаш йиллик режасини бажариш у ёқда турсин, ҳатто сепган уруғни ҳам қоплолгани йўқ. Гектаридан бор-йўғи 11-15 центнердан ҳосил ололди, холос. Савол туғилади: раис телемухбирни нима учун ғаллазорга таклиф қилди? Кўп миллионли томошабинларни ва ўзини алдаш учунми ёки «Ўзбекистон овози»да босилган фельетон туфайли бузилган асабларга малҳам босиш учунми? Балки мухбир ана шу ёлғон кўрсатуви учун вилоят телевидениеси билан хўжалик ўртасида тузилган юз минг сўмлик шартнома пулини ўтказиб олгандир?

Бу гумон эмас, далил.

Абди Қодиров ўқимасин!

ЁЛҒОНЧИЛИК КИМГА, НИМА УЧУН КЕРАК?

ёки "бировнинг таҳоратига намоз ўқийдиган" айрим мухбирлар хусусида

Абди Қодировнинг ўша хўжаликдан Сурхондарё вилоят телерадиокомпанияси ҳисобига ўтказдирган юз минг сўм пулдан маълум қисмини вилоят ИИБ ДАН бошқармаси ҳисобига ўтказдириб, хизмат машинасига давлат номери ўрнатганидан ҳам хабардормиз. Ош бўлсин. Бундай «савоб ишни қилиш» керак. Аммо ёлғон лавҳалар, сохта мақтов эвазига эмас-да!!! Ҳайҳотдек вилоятда чинакам мақтовга муносиб бир ташкилот, хусусий фирма ёки корхона топилмай қолдими?

Қолаверса, жиноятқорона ишлари фельетон қилинган раисга хўжалик ҳисобидан юз минг сўм тўлаб ёлғон гапириши нега зарур бўлиб қолди экан? Идорасига ҳақини сўраб кирувчи оддий фуқароларни ҳақоратлаб, кабинетидан ҳайдаб юборадиган раҳбар атиги бир-икки дақиқалик ёлғон лавҳа учун нега давлатнинг маблағи ва халқнинг ризқини аямай совуради? Биз юқорида тилга олган фельетон юзасидан текширув ва суриштирув ишларини олиб бориш на вилоят, на туман прокуратураси, на ҳокимликнинг ўй-хаёлига келмаса, ёқа ушламай иложинг йўқ.

Ўмуман, телемухбир Абди Қодировга хос «фазилат»лардан яна бири, бирор ҳамкасби муаммолар қалқиб турган бирор ҳудуддан танқидий мақола ёки кўрсатув тайёрласа, у дарҳол айнан ўша жойдан ижобий, мақтовли лавҳа тайёрлаб ташлайди. Бўни нима деб аташ мумкин, носоғлом рақобатми?

Ўтган йилнинг ноябр ойида ЎзТВнинг бир мухбири Термиз озиқ-овқат саноати коллежидан танқидий лавҳа берган бўлса, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай А.Қодиров худди ўша коллежни (қизиқ томони - ишдан бўшатилган директори билан бирга сайр қилиб) таърифу тавсифни келтириб, мақтаб, эфирга лавҳа узатиб юборди.

Қумқўрғон туманидаги «Анҳор» фермер хўжалиги раҳбари Тангир Ҳакимов ҳасрат ва таажжуб билан шундай дейди:

- Бир куни «Ахборот»нинг мухбири Абди Қодиров ташриф буюрди. Фермер хўжалигимни роса мақтаб-мақтаб тасвирга туширди. Тўкин дастурхон устида анча ҳордиқ чиқариб, суҳбатлашдик. «Хуш келибсиз, мухбиржон» деб кузатиб юбордим. Чамамда мендан хафа бўлгани йўқ. Нега ҳам хафа бўлсин? Ахир, орамизда яхши-ёмон гап ўтгани йўқ. Аммо негадир менинг фермамни «Ахборот»да кўрсатмади. Умидвор бандамиз-да. Бугун бўлмаса, эртага кўрсатар, деб бола-чақа билан ҳар куни телевизорга тикилиб «Ахборот»ни кузатаман. Бир куни не кўз билан кўрайки, менинг фермамнинг чорва молларини кўрсатаяпти. Аммо ўзим тасвирда йўқ. Кадр ортида бошқа одамнинг исми-шарифини айтиб мақтаяпти денг. Кейин экранда мутлақо бошқа фермер хўжалиги раҳбари чиқиб интервью бериб қолса бўладими? «Бу мухбирлар истаса бировнинг таҳоратига бошқани намоз ўқитаверар экан-да» деб роса хафа бўлдим...

Алқисса: Бундай мисолларни истаганча келтириш мумкин. Аммо айрим ҳамкасбларим дилида турфа хил гумонлар пайдо бўлиши мумкин. ЎзТВ журналистлари ичида диёнатли, тўғрисўз, воқеликни теран англаб, ҳаққоний ёрита оладиган биродарларимнинг сероблигини эътироф этмаслик ноинсофлик бўлади. Бироқ шу билан бирга шолининг орқасидан сув ичаётган курмакларнинг ҳам борлигини билиб қўйган яхши. Зеро, ижтимоий муаммолари қалқиб турган туманлару хўжаликларда боқибеғам раҳбарлар, маънавий дунёсини доғ қоплаган бир тоифа тўралардан ҳақиқату адолатга ташна, соддадил заҳматкаш халқни ҳимоя қилиш ўрнига ёлғонларга ёлланса, юртбошимизнинг «журналистлар менинг қанотларимдир» деган даъваткор сўзларига муносиб бўла оласизми? Субут, иймон деган олийжаноб туйғулар қаерда қолади?

Б.ОЛЛОМУРОДОВ,
журналист.

ДУНЁНИ ТО АБАД ЭЗГУЛИК АСРАР

Лаҳза

РУҲИЯТ

Умр йўлларида довонлар ошиб,
Яхши-ёмон кунни бошдан ўткардим.
Гоҳо асов ҳислар қирғоқдан тошиб,
Қатронга айланди дилдаги дардим.

Мени ўйлантирар фоний дунёнинг
Охири кўринмас чигал ишлари.
Ҳайратга солади Ҳирсу Риёнинг
Минг хил қиёфада товланишлари.

Нечун яралмишдир дунё норасо,
Баъзи нокаслари бир-бирига ёв.
Савоб излаб қолар тутганда асо,
Гуноҳ нелигини билмаган меров.

Бировлар пул учун виждонин сотар,
Ўзим бўлсам дейди, қорни тўйса бас.
Юрагида ҳислар муз каби қотар,
Инсофу мурувват топгандир абас.

Ғийбат ва бўҳтондан тиймаслар тилни,
Ҳою ҳаваслардан кўп бошлар карахт.
Ғина-кудуратдан асрамас дилни,
Ўт тушса ҳам ёнмас у темир дарахт!

Нафсга қул бўлса ким, унда йўқ ғурур,
Миллат тақдири ҳам унинг-чун бефарқ.
Қашшоқ кўнгилларда топиларми нур,
Қалб кўзи сўқирлар гуноҳларга ғарқ.

Ҳикмат сўзламоққа борми менда ҳад?!
Бедиёнат ҳамон йўлидан озар,
Золимнинг қалби тош, қилган иши бад,
Мискинлар кўнглига беради озор.

Ғашлик солар дилга бедор, нотинч ўй,
Пойлаб турган каби ҳар ёнда ғурбат.
Гўё бузилгандир ахлоқ, феъли-хўй,
Камайиб кетгандек меҳр-оқибат...

Олам шўришларин ўйлаганим чоғ,
Андуҳларга тўлар қалбим маъвоси.
Ҳасратли туйғулар бўлмас ҳеч адоғ,
Ҳазинлашиб борар кўнгил навоси.

Ҳорғин йўловчидек юрагим маҳзун,
Олам тангу тордир, ой ҳам бир тилим.
Кўзга хоб илинмас, кечалар узун,
Дилим шарҳ этмоққа ожиздир тилим.

Илҳомга йўғрилган мудроқ хаёлот,
Борлиғим чулғайди гўё ширин туш.
Сўнгра бшлангандек ўзга бир ҳаёт,
Мубҳам хаёлларни енгар ақлу хуш.

Бирдан милтирайди қалб қаърида нур,
Кўнгил шамчироғи аста ёришар.
Юракда уйғониб шижоат, шуур
Маҳзун ҳислар ила юпанч қоришар.

Ахир, бу оламда яхшилик бисёр,
Дунёни то абад эзгулик асрар.
Ҳақни севганларга толе бўлар ёр,
Минг бир синовлардан ўтса ҳам магар.

Кўнгил кўзи билан боқсанг оламга,
Дунёга ҳирс қўймоқ гуноҳи кабир.
Иймон, эътиқодли комил одамга
Улуғ неъмат эрур тоқат ва сабр.

Мужда йўллагандек ё Расулуллоҳ,
Ғойибдан келган сирли бир нидо:
«Икки дунё бахтин бергайдир Оллоҳ,
Ҳақ йўлида кимки жон этса фидо».

Маҳмуд ПИРМАТОВ

ЭНДИ ҲУШЁР ТУРИШИНГ КЕРАК

ЧИЗГИ

Дала - қишлоқнинг эски
каштаси,
Ҳали битмасдан, гули
эскирган.
Қизлар, жувонлар бошини
эгиб
Тонгдан кечгача тинмасдан
тиккан.

Унда тўрт фаслнинг
манзараси бор
Шундан оғирми,
қадимий кашта
Қуёш шўрлаган
терини баъзан
Артиб олади каштага аста...

***

Шовуллашни унутди боғлар
Юзлар очиқ, кўкраклар очиқ,
Ўйинқароқ кузнинг бошидан
Япроқларни қилишди сочқи.
Ариқларда хўмрайган қуёш
Ювмай қўйди олтин қўлини.
Ниманидир ахтариб шамол
Тўзғитади дала йўлини...

ҲУРРИЯТ

Энди ҳеч ким ғамдан ўлмайди,
Энди ҳеч ким тўқимас ёлғон.
Энди ҳеч ким саллага қўшиб,
Бошлар олиб келмайди, ишон.

Лекин ҳушёр туришинг керак,
Пистирмалар бузилган эмас.
Ахир, шундай яхши кунларда
Душманнинг ҳам ўлгиси келмас.

Холиқ НАЗАР

КЕЛГУСИ СОНДА:

Эркин КОМИЛОВ "Сайилгоҳ"га ташриф буюради

ДАНчи омон бўлса, хавфу хатар йўқ...

Жиноятга жазо муқаррар

АЗАГА АЙЛАНГАН ТЎЙ

ТИЛ – МАЪНАВИЯТ ГУЛШАНИ

Ғурур

Тил тириклик дунёсида одамлар ҳаётини маъно ва мазмунга буркайдиган, уларни ҳам руҳан, ҳам жисмонан бир-бирига боғлаб турадиган қудратли қучдир. Тил курраи заминимизда ҳеч ким англаб етмайдиган шундай бир мўъжизадирки, у туфайли тараққиёт бор, янгиланиш ва муносабат бор. Тилнинг жамият ва инсоният ҳаётидаги тутган ўрни ниҳоят даражада беқиёсдир. Унинг сеҳрли калити орқали қанчадан-қанча ёвузликларнинг олди олиниб, ёмонлик яхшиликка айланади, тинчлик ва адолат тантана қилади.

Тил - инсон тақдирини шакллантирадиган сўз манбадир. Юксак билим эгаси ёки яхши фазилатли инсон бўлиш мумкину лекин тил одобига риоя қилинмаса, у ҳеч қачон комил ҳисобланмайди. Ширинсуханлик, муомала, гапни топиб ва жойида гапириш олийжаноблик аломатидир. Инсонда қалб ҳам, чеҳра ҳам, тил ҳам дилбар бўлмоғи керак. Халқимизда «Ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир» деган ажойиб мақол бор. Бу доно нақл бизни доимо сергакликка, эҳтиёткорликка даъват этади.

Одамлар билан тиллашиш санъатини эгаллаган ширинсўз кишилардан ўзгармас тақдирлар бунёд бўлади. Бу каби тақдирлар жамиятга ва ўзга тақдирларга ўзининг яхшилик уруғларини экиб борадилар.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга Оллоҳ таоло томонидан нозил бўлган Қуръони Каримда ҳам тилни тийишлик, камгап бўлишлик ва фисқу фасод сўзлардан ўзни йироқ тутишлик мўминлар учун фарздир, дейилади. Пайғамбаримизнинг бир қатор ҳадисларида эса тилга муносабат масаласи аёл ва эркакларга тенг буюрилади. Шу нуқтаи назардан қараганда биз ўз тилимиз, унинг бойлиги ва софлиги учун ҳамиша курашиб борсак - ўзимиздан яхши ном ва яхши хотира қолдиришга бурчли эканлигимизни унутмаган бўламиз.

Она тилимизга давлат мақомининг берилиши офтоб янглиғ абадий, мустақиллик каби улуғ ҳодисадир. Ўзбек тилининг давлат тили даражасига кўтарилганига ўн йилдан ошди. Ўзбек тили жаҳонга ўзининг кўркам жозибасини кўз-кўз қилмоқда.

Яқинда Тошкент Давлат юридик институтида «тил байрами - эл байрами» деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Биринчи босқич «Тил - маънавият гулшани», кейингилари «Тил - мустақил тафаккур рамзи», «Тилга эътибор - элга эътибор» дея аталиб, уларда бугунги кунда тилимиз олдида турган муаммо ва режалар атрофлича таҳлил этилди.

Айниқса, «Қонун, тил ва ҳуқуқий маданият амалиёти» номи билан ўтказилган Халқаро илмий-амалий анжуман муҳим аҳамият касб этди. Уни институт ректори, профессор Ҳ.Б.Бобоев очди. Анжуманда профессор К.Н.Назаров (ТДЮИ) «Давлат тили ҳақида қонун ва ўзбек тили ижтимоий вазифасининг ортиши» ҳақида, доктор Сара Чандлер (Канада) «Тил, табиий муҳит ва жамият» мавзуида, Г.Ғуломова (ТДЮИ) «Ўзбек тилида ҳуқуқшунослик атамалари тараққиёти» тўғрисида, тадқиқотчи Мўмин Ришат (ХХР) «Халқаро ҳуқуқий атамалар» ҳақида маъруза қилдилар. Сўзга чиққанлар тилнинг жаҳон ҳамжамиятидаги имкониятларига атрофлича тўхталиб, уни кўз қорачиғидек эъзозлаш кераклигини уқтириб ўтдилар.

Профессор-ўқитуви ва талабалар иштирокида ўтказилган «Шеърият ва ҳуқуқий маданият» мавзусидаги шоирлар мушоираси эса ҳақиқий тил байрамига айланиб кетди. Институтнинг «Ўзбек тили ва адабиёти» кафедраси мудири, профессор Карим Назаров ушбу мушоирани очар экан, унинг қатнашчиларини нуфузли байрам билан қизғин табриклади. Мушоирада биринчи бўлиб сўз олган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, шоир ва ёзувчи Йўлдош Сулаймон шўролар замонида тилимизга нисбатан кўрсатилган ҳурматсизликлар хусусида куйиниб гапирди ҳамда ўзининг янги шеърларидан ўқиб берди. Шоирлардан Мирпўлат Мирзо, Шукур Қурбон, Гулчеҳра Йўлдошева, Маҳмуд Тойир, Фарида Афрўз ва Абдураҳмон Жўраевлар она юрт, севги-муҳаббат ҳақидаги шеърлари билан анжуман руҳига янги руҳ қўшдилар. Айниқса, ҳозирги давр ўзбек шеъриятининг илғор вакиллари Абдували Қутбиддин, Эшқобил Шукур ва Нигора Йўлдошеваларнинг чиқишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Ватанга садоқат, тилга эҳтиром ҳиссини жўш урдирган мушоира шукуҳи институт ижодкорларига ҳам илҳом бағишлади. Ҳуқуқий давлат қурилиши назарияси кафедрасининг мудири Гулнора Мансурова, «Маънавият ва маърифат» иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими бошлиғи Мавжуда Толибова, 2-ҳуқуқ факультетининг талабалари Зулхумор Сатторова, Саодат Дўсмоновалар ўзларининг тил, иймон ва меҳру оқибат ҳақидаги шеърларидан намуналар ўқидилар.

Ҳа, жонажон Ўзбекистонимиз бўйлаб кенг қулоч ёйган тил байрамлари ҳаммамизга қутлуғ бўлсин. Обрў-эътибори тобора юксалиб, қитъалар ошиб бораётган она тилимизни Оллоҳ қўлласин, аҳли жаҳон тингласин!

Гулчеҳра ХЎЖАНОВА,
Қурбонбой ТОҲИРОВ,
Тошкент Давлат юридик институтининг ўқитувчилари

САЙИЛГОҲНИНГ "БОЛА"ХАНДАЛАРИ

Ёш рассомнинг "кўнгил кечинмалари"

Валижон ўқитувчининг кўзойнагига пашшанинг расмини худди тирикдай чизиб қўйди. Бундан ранжиган ўқитувчи боланинг ота-онасини мактабга чақиртирди.

- Шунга ваҳима қилдингизми,- деди Валижоннинг отаси. - Бу ҳолва-ку! Кеча денг, ўғилчамиз ҳовлидаги деворга пиво бочкасининг расмини чизиб қўйган экан. Биз қўшним билан икки соат навбатда турибмиз-а!

- Ўғлим, тўртинчи синфга ўтдинг, энди дарсингни даданг тайёрламаса ҳам бўлар...

Ўқитувчи ўқувчиларга жаҳл билан деди:

- Қани, дарс тайёрламаган тентак ўрнидан турсин! Қайтараман: ким тентак бўлса, ўрнидан турсин!

Беш дақиқалик сукунатдан сўнг Вова жойидан қўзғолди.

-Ҳа Вова, сен ўзингни тентак ҳисоблаяпсанми?

- Йўқ, шунчаки Сизни бир ўзингиз туришингиз ноқулай-да!

КИМ ТЕНТАК?



-Тойчоғим жуда уйқучи-да! Уни уйғотиш учун қўлламаган усулим қолмади!

-АШ-ШУ!

-СОҒ БЎЛИНГ!



Бекатда ўтирган чол акса урганди, ёнидаги ўқувчи бола "Соғ бўлинг" деб қўйди.

-Раҳмат, ўғлим. Мен касал эмасман. Шунчаки бурнимга чанг кирган экан.

-Эй, бобой, бурнингизга чанг кирадими, касалмисиз, неча пуллик ишим бор? Мактаб ўқувчиси одобли ва хушмуомала бўлишини кўрсатяпман Сизга!

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент Давлат юридик институти қуйидаги кафедраларга профессор-ўқитувчи лавозимлари учун

ТАНЛОВ ЎТКАЗАДИ

Аризалар бериш муддати эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

1. Хўжалик ва меҳнат ҳуқуқи;
2. Экология ва қишлоқ хўжалик ҳуқуқи;
3. Ўзбекистонда демократик жамият қурилиши назарияси ва амалиёти;
4. Халқаро хусусий ҳуқуқ.
5. Халқаро ва қиёсий ҳуқуқ.

Манзилимиз: 700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй, 24-хона.

ЭЪЛОНЛАР

Фарғона вилоят адлия бошқармаси нотариал фаолият малака комиссиясининг 1999 йил 26 октябр қарори билан Қўқон шаҳар хусусий нотариуси Муродов Муҳаммаджон Ҳалиқулович номига берилган 1997 йил 8 июл 000024-сонли лицензия бекор қилинди.

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир Файзулла ҚИЛИЧЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Парахат АЙТНИЁЗОВ
Бурҳон БЕКМИРЗАЕВ
Шавкатжон МАВЛОНОВ
Неъмат АМИНОВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Сирожиддин РАУПОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Узоқ БОЗОРОВ
Элмурод МУТАЛХЎЖАЕВ
Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ (масъул котиб)
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририятида саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа концерни босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-0668. Тиражи-10.000.
Босишга топшириш вақти 21.00
Босишга топширилди 20.00

Навбатчи: А.ОТАБОЕВ
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи: У.ДЎСМАТОВ
Терувчи: М. ДЎСТОВА

700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 41
Тел,факс: (371) 1[illegible]4-41
«Инсон ва қонун» газетаси 1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00241- сон билан рўйхатдан ўтган.